

ТОШКЕНТ

Газета 1996 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
саноат газетаси

ОҚШОМИ

№ 131 (9.021)

1997 йил

17 ноябрь, душанба

Сотувда эркин нархда



16 ноябрь, соат 18,
«Тошкент — 2» халқаро
аэропорти. Ўзбекистонда
Украина маданияти кўни қатнашчилари
булган самолёт
эли ҳавода, бу ерда
эса азият меҳмонлари
сабрсизлик билан
кутишмоқда.

Кутиб олувчилар орасида
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари
А. А. Азизжонев, ташқи
ишлар вазирининг ўринбосари
Ш. И. Шойисломов, маданият
вазирининг ўринбосари О. Р.
Матқубов, Тошкент шаҳар
ҳокимининг биринчи ўринбосари
А. Ж. Миржалилов, Украинанинг
Ўзбекистондаги фахрли қўли
элиси В. И. Сметанин бор.

Аэропортда биз «Ўзбекистон
хаво йўллари» миллий
авиакомпанияси бош директори
вазифасини ҳам ўқувчи А. Рўзметов
У ҳам Ўзбекистонда Украина
маданияти кўни қатнашчилари
кулирига алоқадор экан.

Ушбу фахрли рейсини
бизнинг ўқувчиларимиз бажариш
моқдалар, — дейди у. — Биз
«Тошкент — Киев» — Тошкент
хаво йўлини халқларимизнинг
бир-бири билан бори-келини
кулирига алоқадор экан. Маданият
соҳасида ҳам ҳамкорлик эса
халқларимизни янада яқинлаштириш
хизмат қилиши шубҳасиздир.

Мамлакатларимиз авиация
соҳасида ҳам ҳамкорлик қилиш
моқдалар. Миллий авиакомпаниямиз
ҳодимларининг яримига яқини
Киев авиация институтини
туғаллашган. Бугунги кунда ҳам
биз украинлик мутахассисларни

«БИЗ ФАҚАТ САҢЪАТИМИЗНИГИНА ЭМАС, ҚАЛБИМИЗНИ ҲАМ ОЛИБ КЕЛДИК»

Тошкентда ўқувчиларимизни
малакасини ошириш курсларидаги
машғулотларни ўтказишга тақдир
қилиб турибмиз. Украинанинг «АНТ-
КА» корхонасида ишлаб чиқарилаётган
АН-24 ва АН-2 самолётларидан
қишлоқ меҳнатқилларимиз мамнун.
Миллий авиакомпаниямиз ўзари
фойдали алоқаларни янада кенгайтиришга
тайёр. Бугунги унутилмас воқеага
қайтайдиган бўлсак, бизда ҳам
украин қўлиларини нақадар севишларини
ортиқча таъкидлашга ҳоҳат бор-
микин...

Мана, нийҳат Ил-62 М
самолёти Ерга оҳисти кўнади.
Карнай ва сурнайларни шодона
наволари меҳмонларини муборакбод
этиди. Миллий либосдаги қиз-
лар украин дўстларимизга

анвойи гуллар тақдим эта-
дилар. Ўзбекистонда маданият
кўни қатнашчилари билан
Украина Бош вазирининг ўринбосари
В. А. Смоляков маданият вазири
Д. И. Остапенко ҳамда жуда
катта ихтидор гуруҳ — цирк
ва кино артистлари, хонан-
далар, раққослар, адиблар,
музикачилар келишди.

— Биз Ўзбекистонга У-
краина маданиятининг энг
балли қалбимизни ҳам олиб
келдик, — дейди Украина
фестиваллар ва концерт
директори марказининг
постановкачи режиссёри
Юрий Крикун. — Мен Тош-
кентда бундан 10 йил му-
қаддам бўлган эдим. Ушан-
да ҳам бу ерда Украина ма-

данияти кўлири ўтказилган
эди. Очиғини айтганда ўз-
бек ҳамкасбларим билан
яна дейдор қўлишни жуда
озорик кутган эдик.

Аэропортнинг ўзида шодона
фестиваллар бошланиб кетди.
Меҳмонлар самолётдан ту-
шишлари билан «Ўзбекистон»
рақс дастаси ижрочили-
лари билан биргаликда «Ан-
дихон полкаси»га тушиб
кетдилар. Улар орасида У-
краина халқ артисти Мария
Стефюк ҳам бор эди.

— Биз сизга фақат ўз
санъатимизнигина эмас,
балки қалбимизни ҳам олиб
келдик, — деди у кейин «Оқ-
шом» унвон махсус интервью-
сида. — Бу ерда мен украин
мунотоз ашуларининг ижро
этаман. Тошкентлик томо-
шабинлар ўта дидли ва та-
лабчан эканлигидан хабар

дорман. Шунинг учун улар
билан учрашувимдан ҳая-
жонланяман.

Украина халқ артисти
Виктор Яременко кўпчилик
«Али бобо ва қирқ қароқчи»
фильмида бош ролни ижро
этиганидан хабар билади. Бу
фильм Ўзбекистонда сурат-
га олинган. Виктор Тошкент
деганда кўз олдига ўта меҳ-
мондуст қилишлар, мева-че-
ва, қовун-тарвузга тўла бо-
зорлар келишини ҳаяжонла-
ниб айтиди. У Ўзбекистонда
Украина маданияти кўлири-
да Украинада хизмат қўс-
таган артистка Татьяна Би-
лещёк билан биргаликда рақс-
га тушди.

— Бошланаётган бутун
ҳафта давомида тошкент-
ликлар Украина маданияти
санъати билан яқиндан та-
нишиш имкониятига эга бў-
ладилар, — дейди Ўзбекис-

тон Маданият вазири
«Истеъдод» таъкидотиди
фаолият қорхонаси директори
К. В. Зоҳидов. — Биз эса
қадрли украин дўстларимиз-
га пойтахтимизнинг диққат-
га сазовор жойларини қўс-
самиз. Улар Самарқанд ва
Бухорони зиёрат қилиш им-
кониятига ҳам эга бўладилар.
Украина маданияти на-
мояндаларининг мамлакат-
мизда бўлиши уларда унут-
тилмас таассурот қолдири-
ши учун астойдил ҳаракат
қиламиз.

Бугун кечқурун пойтахтда-
ги Халқлар дўстлиги саройи-
да Ўзбекистонда Украина



маданияти кўлири тантанали
вазиратда очилди. Шун-
дан сўнг Украина санъат на-
мояндалари катта байрам
концерти намоиш этиди-
лар.

Украина маданияти кўлири
доирасида Тошкентда У-
краина амалий санъати қўс-
замаси очилди. Шунингдек
Украина киноси фестивали
ўтказилди. Украинлик санъат-
корлар Тошкент Давлат
консерваторияси ҳамда
Алишер Навоий номидаги
Катта академик опера ва ба-
лёт театри сахнасида ўз ма-
ҳоратларини намоиш этиди-
лар. Олдинда уларни респу-
бликамиз турли вилоятлари ва
шаҳарларида ҳаёгонли учра-
шувлар ҳам кутмоқда.

Ўқувчи КАХОРОВА.
СУРАТЛАРДА: Ўзбекис-
тонда Украина маданияти
кўлири қатнашчиларининг
юртимиз заминидagi бирин-
чи учрашувлари.

Рустам Шарипов
олган суратлар.

Кейинги пайтларда шахримизда кўп-
лаб йирик халқаро кўргазмаларнинг ўтказилиши
хорижий тадбиркор, ишбилармонлар, йирик
компанияларнинг Ўзбекистон билан тенг
асосларда ҳамкорлик қилишга катта қизи-
қиш билан қараётганидан далolat беради.



Кўргазмалар
ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИГА —
САРА МАҲСУЛОТЛАР



«Ўзқоспармарка» республика
савдо-кўргазма марказида
яқинда «Консумер Экспо У-
збекистон-97» халқ истеъмо-
лот моллари унинг халқаро кўргаз-
маси ҳамда озиқ-овқат махсу-
лотлари, қадқоқлаш ва озиқ-ов-
қат саноати учун асосан-анжом-
лар намоиш этилган. «Фуд Эк-
спо Ўзбекистон-97» биринчи хал-

ния, Бельгия, Шри Ланка, Гре-
ция, Туркия, Сингапур, Швей-
цария, Беларусь, Россия, Козогис-
тон ва бошқа мамлакатларнинг
50 дан ортиқ
етакчи компаниялари энг сў-
нгги русумдаги маъиш техника-
ка, телевизорлар, радио ва ви-
деомагнитофонлар, косметика
ва уна-эликлар, пойабзал,
озик-овқат махсулотлари, чан-
ковбоси, инчимлар, қандо-
лат ва консервланган махсу-
лотлар, сигареталарни на-
моиш этидилар. Кўргазмада
жонхона донг кетган «Нестле»,
«Мерлон», «Жилет», «Шик»,
«Галена» ва бошқа компания-
ларнинг хатлашуви эса унинг
нуфузини янада оширди.

Биз кўргазмада иштирок
этиётган айрим компаниялар
вакиллари билан суҳбатлаш-
ганимизда Ўзбекистон бозори ха-
қиқатан ҳам энг сифатли, ха-
ридорли моллар билан тўлиб
бораётганига яна бир қарай
амин бўлдик.

Компаниямиз ташкил
этиланган 20 йил бўлиб ва шу
муддат ичда жонхона ўттиз
мамлакатидagi кишилар биз
чиқариётган «Млесна» чойини-
г юқори сифатига муносиб
баҳо бериб келмоқдалар. —
дейди «Млесна» (Шри Ланка)
фирмасининг Россия ва МДХ
мамлакатлари бўйича вакили
Юрий Покровский.

100 йилдан бери соқол
олиш воситалари, кремлар ва
дезодорантлар чиқариб келат-
ган «Жилет» (АҚШ) фирмаси-
ни эса таништириб ўтиришга
ҳоҳат бўлмаса керак. Ҳозир
«Жилет» махсулотлари жаҳон-
нинг ҳамма мамлакатларида
сотишмоқда, 50 мамлакатда
эса ишлаб чиқариш филиал-
лари мавжуд.

— Жаҳонда илк хавфсиз у-
стара бизда ихтидор қилинган, —
дейди «Жилет» фирмаси ваки-
ли Антон Мисимов. — Му-
ваффақиятларимиз сирини
шунда, доимо махсулот турла-
рини янгилаб, кенгайтириб бо-
рамиз. Хусусан, «Жилет сен-
сор Эксель» соқолни тоза
олишда тенг йўқ бўлиб, жа-
хондаги энг яхши соқол олиш
анжуми ҳисобланади.

Хорижий ўз соҳаларида
илгор компаниялари билан
ҳамкорлик қилиш юзасидан
имзоланган кўп-лаб шартнома-
ларнинг энг юқори томони бўл-
ди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 1992
йил 16 сентябрдаги Фармо-
ни билан «Маҳалла» хай-
рия жамағармаси ташкил
қилинди. Ўтган беш йил
мобайнида жамағарманин-
г вилоятлар, шаҳарлар,
туманлар бўлим ва бў-
линмалари ташкил эти-
либ, улар жамағарма ни-
зомига мувофиқ фаолият
қўсатиб келмоқдалар.

Жумладан, «Маҳалла»
хайрия жамағармасининг
Тошкент шаҳар бўлими-
да ҳам бу борада бир та-
лай ибратли ишлар амал-

га оширилди. Ўтган беш
йиллик фаолиятга туман-

«Маҳалла» БЕШ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ

лардаги ҳамда шаҳар II-хи-
сobot-сайлов конферен-
цияларида баҳо берилди.
Бугунги кунда туманлар-
да хисobot-сайлов конфе-
ренциялари тугади. Уларда

Футбол «ТЕМИРЙУЛЧИ» ОЛИЙ ПИГАДА

Футбол бўйича мамлакат
чемпионлигини биринчи ли-
га командалари ўз мавсуми-
ни тугатишди. Қўзонда ҳозир
катта байрам. Сабаби — 42
учрашувнинг 27 тасини га-
лаба билан якунлаган «Те-
мирйулчи» командаси 90 оч-
ко тўплаган ҳолда олий ли-
гага чиқди. Қўзонликлар ра-
қибларининг дарвозаларига
ҳаммаси бўлиб 101 та гол
қиритишди. Ўз дарвозалари-
га эса 39 тўп ўтказиб юбо-
ришган. «Темирйулчи» —
Фаргона вилоятидан олий
лигада тўп суратган «Неф-
чи» ва «Атлани» анига унинг
жамоа бўлиб қўшилди.

ОПТИЧИСИ НОМАЇЛУМ

Канчалик аниқ бўлма-
син, қонда шундай бирин-
чи лигаги мавсум давоми-
да энг паст натижага эриш-
ган 6 команда тарқ этишга
мажбур. Ҳозирча уларнинг
бештаси аниқ: «Букалик»,
«Нефчи», «Дустлик», «За-
фар» ва «Пахтабод». Шу-
нингдек «Шахрихон» ва
«Богдод» командалари ҳам
қовир қил устида тургандек
бесарияном. Наватки, 16 ва
17-ўринларни эгаллаган бу
жамоалар ўртасида ҳал қи-
лувчи учрашув ўтказилди.
Ҳозирча олтинчи
омадсиз команда номаълум
бўлиб турибди.
Бахтиёр ХАЙДАРОВ.

Обуна-98

БИР УМРИК ҲАМРОҚ

«Оқшом»ни ҳар гал қўлга ол-
ганимизда биз кутган, фақат «Оқ-
шом»нинг хос бўлган, жўшқин-
лик, ҳушмуомала ва ширинсух-
лик уфургандек бўлади. Бунинг
сабаби нимада? «Оқшом» муш-
тарийларида илк сонларидан
«ярқ» этиб чиқанадиган таассурот
қолдириш эди. Ани шундай ил-
муносбат бир залда давом
этиётганлиги қувончли бўлади.
Ўттиз йил ичда тутилган энг
яхши аъёнлар ҳозир ҳам замон
талабларига мос кўринишда да-
вом этилади. Шунинг учун қад-
рим «Оқшом» газетасининг ҳар
бир сонини олиб, ўқиб чиқсам,
қўлим жойига тушмайди. Қан-
дайди зарур нарсани йўқотган-
дек бўлаверман. Бу — менга «Оқ-
шом» 30 йиллик одат. Газетани
очиб, ундан ҳар қандай дид ва
қизиқчига яраша мақолаларни
топиб ўқиш мумкин. Аниқсиз «Дам
олиш саҳифаси»даги аския
пайрошлари, таниқли ва иқтидор-
ли еш санъаткорлар ҳақидаги қи-
зикарли мақолалар қўлиниққа
манзур бўлади. Ундан кейин, чет
эл машҳур спорт «юлдузлари»,
футбол янгиликлари ҳақидаги ма-
қолалар ҳам кўп-лаб муҳлисари-
га эга. «Газета» — газетон — газе-
та» саҳифасига эса турун қасб ва
ишдаги ҳамшаҳарлариниқ сам-
имийлик билан ўз муаммолари,
дил сузларини ёзиб юборишга
қизиқадилар. Хуллас, «Оқшом»
ҳақидаги яхши фикрлар жуда кўп.
Қондирун ойна палласи. Гап-
нинг иналдоси — тезроқ «Оқ-
шом»га обуна бўлиш керак! Бу
менинг ўз қатъий қарорим эди,
кечагина шу ишни амалга ошир-
дим.
Абдулла ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг Туркияга расмий ташрифи
бошланди.

● Нукусда Вазирлар Маҳкамасининг сайёр йи-
ғилиши бўлиб ўтди. Унда аҳолига савдо ва май-
ший хизмат қўсатишни яхшилаш масалалари қў-
риб чиқилди.

● Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўи-
тасида оммавий ахборот воситаларига оид қў-
нунларнинг Қашқадар вилоятида қандай бажа-
рилатганиги муҳокама этилди.

● «Ижидмаш» Ўзбекистон — Россия қўшма
корхонаси ташкил этилди. «Ўзқилқоқмаш» неғи-
зида ташкил этилган бу қўшма корхонада келгу-
си йилдан 10 мингта, 2000 йилга бориб эса 50
мингта мотоцикл йиғиш мўлжалланган.

● Корея Республикаси элчихонаси Ўзбекистон
давлат санъат музейига корейс миллий либосла-
ри коллекциясини совға қилди.

● «Манабият ва маърифат» жамоатчилик мар-
казида «Манабият» нашриети томонидан чоп этил-
ган дастлабки китоблар тақдими ўтказилди.

● Фан ва техника бўйича давлат қўмитасининг
Патент идорасида Ўзбекистондаги селекция ютук-
ларини муҳофаза этиш масалаларига бағишлан-
ган семинар бўлиб ўтди.


ЖАХОНДА

● Анкарада Ўзбекистон Республикаси Прези-
денти Ислом Каримовнинг турк тилида қўп нус-
хада чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср башари-
да: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари
ва тараққиёт қарорлари» китобининг тақдими
маросими бўлиб ўтди.

● Ирқининг БМТ махсус комиссияси таркиби-
да бўлган АҚШ ҳарбий мутахассисларини жосус-
ликда айболо, мамлакатдан чиқариб юбориши бил-
лан боғлиқ можаро кескинлигига қолмоқда. Ана
шу масала бўйича АҚШ Президенти Билл Клин-
тон телефон орқали Россия Президенти Борис
Ельцин, Франция Президенти Жак Ширак ва Буюк
Британия Бош вазирини Энтони Блэр билан ўзаро
фикр айирбошлади. Агар Буюк Британия Ироқ
БМТ қарорини баҳармағанилиги учун унга нисба-
тан ҳарбий қўч ишлатиш бўйича АҚШ нуктаи на-
зарини тўла қўллаб-қувватлаётган бўлса, Фран-
ция билан Россия можарони тинч йўл билан ҳал
этиш тарафдорчилигини билдирмоқда.

● АҚШ ўзининг Форс қўрғазидagi ҳарбий-ден-
гиз қўчларини қўпайтирмоқда. Шу ҳафтада бу ер-
да 24 та ҳарбий кема жамланди. Уларда Ироққа
ракета-бомба зарбаси бериши мумкин бўлган 300
та самолёт бўлади.

● Ироқ олдиндан бирон-бир шартларсиз юза-
га келган вазият юзасидан АҚШ билан бевосита
музокаралар ўтказишга тайёрлигини билдирди.



● Ироқ билан чегарадош Кувейтда АҚШ, Буюк
Британия, Италия қўшунлари иштирокида кенг
қўламли ҳарбий машқлар ўтказилипти.

● Кеча кўннинг иккинчи ярмида Украина Пре-
зиденти Леонид Кучма Москвага келди. У Моск-
ва яқинидаги Завидовода Россия Президенти Бо-
рис Ельцин билан асосан ўзаро иқтисодий муно-
сабатларга доир норасмий музокаралар ўтказди.

● Эртага Козогистон Президенти Нурсултон
Назарбаевнинг Вашингтонда АҚШ Президенти
Билл Клинтон билан учрашиши режаланган. Нурсул-
тон Назарбаев бу ерга иқтисодий ҳамкорлик
бўйича Козогистон — АҚШ комиссиясининг тур-
тинчи мажлисида иштирок этиш учун келди.

● АҚШ Президентининг рафиқаси Хиллари
Клинтоннинг Ҳамдустлик давлатлари бўйича 10
кунлик ташрифи нийоҳисага етмоқда. У Ўзбекис-
тондан сўнг Россиянинг Екатеринбург ва Ново-
сибирск шаҳарларида бўлиб. Бу ердан Американи-
нинг биринчи хоними Лёвова йўл олади.

● Россия Президенти мамлакатда ҳусусийлаш-
тириш тарихи бўйича муаллифлар сифатида на-
шриётдан 90 минг АҚШ доллардан қалам ҳақи ол-
ган Бош вазир ўринбосари, Давлат мулки қўи-
таси раиси Максим Убойко, Президент маъмурия-
ти раҳбарининг ўринбосари Александр Казаков,
ноҳор қорхоналар бўйича Федерал хизмат раҳба-
ри Петр Мостовой вакилларидан четлаштир-
ди. Ана шу можарога дахлдор яна бир юксак мар-
табали амалдор, Бош вазирининг биринчи ўрин-
босари Анатолий Чубайсининг истеъфоси Прези-
дент томонидан қабул қилинмади.

● Кеча ЮНЕСКО Бош директори Федерико
Майор Киевга келди. Бу ерда ЮНЕСКО билан
Украина ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат
имзоланиши кутилмоқда.

● Козогистон Президенти Нурсултон Назар-
баев 15 ноябрни миллий валюта — тенге кўни,
деб эълон қилиш тўғрисида Фармон чиқарди.

● АҚШ конгресси 1998 молия йилида хорижга
ёрдам қўсатиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини
қабул қилди. Унга қўра Ҳамдустлик мамлакатлари
қўра ажратиладиган 770 миллион долларлик ёр-
дамнинг 225 миллиони Украинага, 200 миллиони
эса Россияга бериладиган бўлди.

● Ўтган кун Шимолий Африкстондан тожик қў-
чларининг сўнги гуруҳи юртларига қайтиб келди.
● Кеча Венгрияда мамлакатнинг НАТОга аъзо
бўлиб кириши масаласи тўғрисида умумхалқ ре-
ферендуми бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотлар-
га қўра мамлакат аҳолисининг қўпчилиги қисми
НАТОга аъзо бўлишни ёқлаб чиққан.

Ф.МТ-1

«Ўзбекистон почтаси» Давлат
— Акциядорлик компанияси

АБОНЕНТЛИК газета

Тошкент

ОҚШОМИ

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Қасрга

(Почта индекси) (Манзилот)

Кимга

(Фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРИЙ ЕТКАЗИШ
ВАРАҚАСИ

п. в. Жой

Тошкент

ОҚШОМИ

Обуна

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Қасрга

(Почта индекси) (Манзилот)

Кимга

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

ЯНГИЛИКЛАР ВОКЕАЛАР ХАБАРЛАР

ЯНГИЛИКЛАР ВОКЕАЛАР ХАБАРЛАР

1992 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимизда ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлди. Ҳеч бир давлат ўзининг Асосий Қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамлашдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмади. Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради, дейиш учун тўла асосларимиз бор. Бугунги кунда Конституциямиз суверен давлатимизни қонуний-ҳуқуқий жиҳатдан шакллантиришнинг асоси бўлиб қолди.

Конституциямиз демократик ҳуқуқий давлатни бунёд этишда ва маҳаллий органларини ташкил этишда муҳим ҳуқуқий дарстур бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўп оқидан

ХАЛҚИМИЗ ДУНЁҚАРАШИГА МОС

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 101-моддасида маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига берилган ваколатлар аниқ белгиланган: қонунийликни, ҳуқуқий тартибни ва фуқароларнинг ҳафсизлигини таъминлаш; ҳудудларни иқтисодий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш; маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати ақллари қайд этишни таъминлаш; норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқ ва бурчлари кўп қиррали, катта ва кенг мазмунга эга. Конституциянинг 101-моддасида белгиланишича, маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент Фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадilar, халқ депутатлари кўйи кенгаши фаолиятига раҳбарлик қилади, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳофаза қилишда қатнашадилар.

Асосий қонунийнинг 105-моддасида эса: «Шаҳарча, қишлоқ ва овуларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди» деган қоида баён этилган. Конституцияда мувофиқ ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси махсус қонун билан белгиланиши лозим эди.

Ушбу қоидага асосан 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Олий Кенгаши «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» Қонун қабул қилди.

Модомики, Конституциявий мақомга эга бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида сўз борар экан, аввало ҳуқуқий ва назарий масалага оид бир муҳим ту-

шунчани аниқроқ ёритиш зарурлиги сезилмоқда. Асосий Қонунида жойлардаги давлат ҳокимияти органларига алоҳида эътибор берилган. Ўз-ўзини бошқариш тамойилларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, маҳаллий ҳокимиятнинг бошлиғи — ҳоким лавозими жорий этилган муайян ҳуқуқларга эга бўлган маҳаллий вакиллик ҳокимияти — халқ депутатлари кенгашига, шунингдек, ижроия ҳокимиятга вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари раҳбарлик қиладилар. Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуларда маҳаллий ҳокимият ўз-ўзини бошқариш органлари шаклида амалга оширилади.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзларига хос ҳуқуқий ваколатларга асосан фаолият кўрсатсаларда, лекин улар маҳаллий давлат ҳокимияти ва уни бошқарув-ижро органлари билан ўзаро ҳамкорликда ташкилий-амалий ишларни

жойларда амалга оширадilar, шу билан бирга ҳар қайсилари ўз ҳуқуқ ва ваколатлари доирасида мустақил ва масъулиятлидirlар.

Республикамиз Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Олий Кенгашининг XVI сессиясида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Янги жамият ва давлат қуришда дадил қадамлар қўйдиқ. Тоталитар тузумдан ва унинг бошқарув услубларидан батамом воз кечдик. Республикада жажон тажрибасига жавоб берадиган, ўзимизнинг дунёқарашимизга мос сиёсий тизим қарор топапти».

Вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳудудида миллий онгимиз ва анъаналаримизга хос ҳокимлик институти барпо этилди. Айни замонда, маҳаллий фуқаро ўз-ўзини бошқаришга, яъни маҳаллага катта эрк ва ҳуқуқлар берилди.

Янги бошқарув тизими халқимиз талабига мос келиб, юртимизда тиңлик ва тотувликни сақлаш гарови бўлмоқда».

Биобарин, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланган қишлоқ, шаҳарча, овулар ва маҳаллаларнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари янада кенгайди ва улар аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилишдек олий даражадаги инсонпарварлик ва кўпқиррали функцияни амалга оширишда бевосита иштирок этишдек ваколатга эга бўлдилар.

Ҳа, дарҳақиқат, халқимизнинг тарихий анъаналари ва тафаккур тарзига мувофиқ фуқаролар ўз-ўзини бошқаришнинг муҳим жамоатчилик органи — маҳалланинг мавқеи қайта тикланди. Маҳалла одамлар ўртасида яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва инсонпарварлик муносабатларини тарбиялашда катта аҳамият касб этмоқда. Маҳалла — аҳолининг эҳтиёжманд табакалари манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатишда хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Давлат томонидан қўлаб-қувватланаётган турли нодавлат жамоатчилик тўғрисидаги тармоғи ҳам кенгайиб бораётир.

Кабир КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ФА
фалсафа ва ҳуқуқ
институтининг етакчи илмий
ҳодими,
республикада хизмат кўрсатган
фан арбоби.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонемента касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт. Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштириганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обунанига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштириганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдириш.

ЭЛЧИХОНА БИНОСИ

Шаҳримизнинг Гоголь кўчасида Белорус Республикаси элчихонаси қад кўтарди.

Қурилиш-тиклаш ишлари тугалланган ушбу муҳташам бинода бугунги кунда ўзига хос пардозлаш ишлари давом этмоқда. Уни «Тошкентуниверситетқурилиш» корпорациясига қарашли «Моҳирбиноқор» ҳиссасдорлик жамиятини-



нг 76-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари тезкорлик билан олиб боришмоқда.

— Бу бинони пардозлашда қурилиш бошқармасининг ўрта бригадаси азаматлари меҳнат қилишмоқда, — дейди бош муҳандис Муроджон Отамухамедов. — Улар доимо мана шундай масъулиятли участкаларда ишлаб буюртмачиларнинг ишончини оқлаган. Пардозлаш ишларини сифатли ва ўз вақтида ту-

гатишга куч ва имкониятларимизни сарфлашмиш. Сувоқчи, бўёқчи, мрамар билан ишлов берувчи усталиримиз бор маҳоратларини ишга солмоқдалар.

Шарифа БАХРОМОВА.
СУРАТЛАРДА: Белорус Республикаси элчихонаси биносининг умумий қурилиши; тажрибали қурувчи Тоҳир Болтабоев иш устида.

Рашид Галиев олган суратлар.



Ҳамкорлик

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР САМАРАСИ

Тошкентдаги жажон тиллари университети билан Австриянинг Вена университети ўртасида кенг ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Шаҳримиз илм масканининг немис тили факультетида «Австрия кутубхонаси» тантанали суратда очилди. Кутубхона жавонидан мингга яқин турли хил адабиётлар ўрин олди. Зиё масканининг тантанали очилиш маросимида Австрия делегацияси ҳам иштирок этди. Жамоатчи муҳбиримиз делегация аъзолари, Вена университетининг ассистенти доктор Ренате Файштауэр хоним ва тарихчи-адабиётшунос олим жаноб Алфред Пфосер билан мулоқотда бўлди.

— Файштауэр хоним, иккала университет ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари қандай юзага келди?

— Бу борадаги илк қадам Австрия ташқи ишлар федерация вазирлигининг Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистон учун кутубхона фондлари ажратилиш тўғрисидаги қарори шарофати билан қўйилди. Умуман, Австрия билан Ўзбекистон ўртасида бугунги кунда кенг ва ҳар тарафлама алоқалар йўлга қўйилаётганлиги гоят қувонарлидир. Мен ва университетимизнинг бошқа ходимлари Жаҳон тиллари университетининг немис тили факультетида «Австрия кутубхонаси»ни очиб тантаналарида қатнашиб, бу ерда семинарлар ўтказиш учун Тошкентга келдик. Немис тили факультетининг декани Шавкат Каримов ҳам яқинда Австрияда бўлганида, университетимиздаги учрашувларда бир-биримиз билан яқиндан танишиш имконияти туғилди.

— Демак, Сизлар Жаҳон тиллари университетиде бўлиб, талабалар ҳаёти билан яқиндан танишингиз. Шу ҳақда таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Таассуротларимиз жуда катта. Немис тили факультетида бўлганимизда талабаларни ўқитиш жараёни билан танишдик. Айниқса, уларнинг билимлари, маданий тадбирларни ташкил этишлари, бадий асарлардан парчалар асосида сахна чиқишлари бизда унутилмас таассурот қолдирди. Умуман, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, ниҳоятда очиқ ва самимийлигига қойил қолиш керак. Тошкентда бўлганимизда, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига сафаримиз давомида бунга яна тўла амин бўлдик.

— Университет, хусусан немис тили факультети талабаларининг тил бўйича билимларини қандай баҳолайсиз?

— Гарчи талабалар немис тилида сўзлашувчи мамлакатларда бевосита бўлишмаган бўлсалар ҳам улар немис тилида аёло даражада сўзлашишга эришган. Бу эса катта ютуқдир.

— Университетлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгроқ йўлга қўйишда келгусида нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз? Профессор-ўқитувчиларга, талабаларга қандай тилакларингиз бор?

— Албатта, бундан кейин ҳам алоқаларни мунтазам равишда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун университетлар ўртасида, хусусан немис тилини ўрганиш бўйича гап-радаган бўлсам, немис тилини хорижий тил сифатида ўқитиш кафедралари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш лозим. Ана шу мақсадда ўзаро тажрибалар алмашиш, минтақавий конференция ва семинарлар ўтказиб бориш, ўзбекистонлик талабаларнинг Венадаги стипендия дастурларида иштирокини таъминлаш, масалан, ўлкашунослик билан боғлаб, шунга ўхшаш тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш бошланган ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди, деб ўйлайман.

— Жаноб Пфосер, тарихчи ва адабиётшунос олим сифатида мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, илм-фан ва таълим соҳасида йўлга қўйилаётган ҳамкорлик алоқалари истиқболлари ҳақида нималар дея olasиз?

— Австрия давлати Шарқий Европа, умуман Шарқ мамлакатлари билан муносабатларга доимо катта эътибор бериб келган. Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари, хусусан республикангиз билан барча соҳаларда, сиёсий-иқтисодий, маданий, илм-фан ва таълим соҳаларида кенг ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганлигидан гоят мамнунимиз. Албатта, бу соҳаларнинг барчаси бир-бирига боғлиқ, деб ўйлайман. Демак, йўлга қўйилаётган ҳамкорлигимиз барча соҳаларни қамраб олади, бунда албатта, ўзаро сазй-ҳаракатлар муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, Австрия ва Ўзбекистон давлатлари ўзоқ ва буюқ ўтмишга, тарихга эга. Мана шунинг ўзиб, иккала мамлакат халқлари бир-бирларини ўзаро тушунишларида яхши дўстлик ва самарали ҳамкорлик муносабатларини ўрнатилишда кулай шарт-шароит сифатида муҳим ва ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Мирзаали АҚБАРОВ
суҳбатлашди.

Баракали умрининг талай қисмини республика шахмат ривожига бағишлаган, ўз тадқиқотлари туфайли жаҳон шахмат тарихига муҳим янгиликлар олиб қира олган, ўзоқ йиллар давомида шахмат журналисти сифатида элга танилган Зокир Хўжаев ҳаёт бўлганда ҳозир 90 ёшга тўларди.

...Дам олиш кўнларидан бири эди. Давраимиз кенгайиб кетди. Орамизда турли ёшдаги ҳар хил касб эгалари: ўқитувчи, олим, шоир, ишчи, студент... Суҳбат асосан шахмат ҳақида борди. Кўпни кўрган шахмат устаси Зокир ака Хўжаевга илтимос тушгандай бўлди.

— Хўп бўлмаса, айтсам айтиб берай, — дея хотираларидан гап очди у. — Бухоронинг

Ёаном

ШАХМАТГА БАХШИДА УМР

Лаби ҳовузиди биласизлар, ҳеч бўлмаса эшитгандирсиз. Энг обод, энг гавжум жой. Ҳозир ҳам шундай. Шу ерда иккита клубимиз бўларди, бири — давлат ҳисобида, иккинчиси — шахмат деган жойда жон фидо қилувчи Акамий заргарнинг ҳовлисида. Кечаси соат ўн бирларгача дона суриб, ўйинга тўймаган биз каби ёшлар, бир клубдан чиқиб иккинчисига кирардик. Шахматнинг ўзи қизиқ, ҳар бир юриш, комбинация, мога муносиб гаплар айтилиб, шетлар тўқилганда ўйин қизиқ кетарди. Акам журалари билан тўрпанишганда доим шундай бўларди. Мен уларга чой ташиб, хизматларини қилиб юриб шахматни ўрганиб олдим. Шунга ҳам мана 50 йил бўлди. Олдин шашка ўйнаб юрардим. Шахматнинг сирларини билиб олишимга Приображенский деган киши сабаб бўлган. Унинг хотини, қизи, кўеви — ҳаммаси шахмат ўйнади. Халқаро ўйин қоидаларини менга ўшарлар тушунтиришган. Шундан кейин расмий мусобақаларда иштирок эта бошладим.

1927 йили Тошкентда биринчи ўрта Осиё шахмат турнири ўтказилиб, турнирда Бухоро чемпиони 10 ёшли Зокир Хўжаев ҳам қатнашиб, Монон, Лебединский, Саидхонов сингари ном таратган шахматчиларни энгиб чиқди. У 1930 йилдан бошлаб республика биринчиликларининг деярли ҳаммасида қатнашиб келди. Бутунитифок мусобақаларида у республикамиз спорт шарафини кўп марта бахш қилди. Икки марта «Пишчевик» кўнгилли спорт жамияти марказий кенгазининг чемпиони, бир марта Ўзбекистон чемпиони бўлган, иккинчи, учинчи мукофотларни жуда кўп олган. Халқаро мастер В. Панов 1934 йили бундай деб ёзган эди:

«Азмиддин Хўжаев ўзбек шахматчилари орасида энг тажрибалиси, назариядан хабардори. Уни «Ўзбекистоннинг Чигорини» деса бўлади. Зокир Хўжаев эса ўйинининг жўшқинлиги ва комбинацияларга бойлиги билан ундан ажралиб туради».

3. Хўжаевнинг ўткир комбинацияларидан доғда қолганлар орасида собиқ иттифокнинг 1929 йилги чемпиони Веринский, Готильев, украиналик мастер Юрий Сапаров сингари таникли шахматчилар ҳам бор. Зокир ака республикамиз шахмат ташкилотига ўттиз йилча бошчилик қилди. Шу даврда республикамизда шахматни ривожлантиришга қаратилган аjoyиб тадбирлар амалга оширилди. Зокир Хўжаевнинг хизматлари муносиб тақдирланди — унга жисмоний тарбия аълочиси, Бутунитифок тоифасидаги ҳакам унвони берилди, фахрий ёрликлар билан мукофотланди.

Уни шахмат тарихчиси сифатида бутун жаҳон билади. Кўп йиллик ижодий изланишлар натижасида бу ўзбек шахмат тарихчиси янгиинча номаълум бўлган 127 та янги ўрта аср шатранж мансубаларни кашф этди. Унинг шу мансубаларни ўз ичига олган асари илмий-назарий жиҳатдан катта аҳамиятга моликдир, шунинг учун ҳам бу асар нафақат республикамиз, балки чет эл таърихчиларининг эътиборига, юқори баҳосига сазовор бўлди.

— 40-50 йил муқаддам бошлаган камтарона хизматимиз давом эттирмоқчиман, — деган эди Зокир ака. — Ўзбекистоннинг бўлажак гроссмейстерлари билан беллашиш ниятим ҳам йўқ эмас. Ютқазимни турган гап. Лекин умуман олганда, бундан республикамиз жамоатчилиги ютиб чиққан бўлади.

«Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, муҳтарам отахон! Яна кўп йиллар от суриб, фил ўйнатишингизни, шахматчилар даврасига ҳаммаша жон киритиб юришингизни тилаймиш», деган эдик биз ўшанда унга саломатлик тилаб.

Зокир Хўжаев 84 ёшида Тошкентда вафот этди. Биз Зокир ака билан ота-боладек бўлиб қолган эдик. Кўп вақтимиз бирга ўтарди: турли мусобақаларни тайёрлаш, ўтказиш борасида бамаслашатиш иш тугар, уларнинг аксариятида ўзимиз ҳам қатнашардик. Шахмат тахтаси ёнида рақиб бўлмас-да ҳаётда бунинг акси бўларди. Шахматга доир ёзган кўпгина китобларида Зокир аканинг маслаҳатлари менга қўл келарди. Айниқса шахмат тарихи бўйича у яратган тадқиқотлар шу борадаги номзодлик диссертациямни ёзиш ва уни муваффақиятли ҳимоя қилишда жуда асқотган эди.

Мамажон МУХИДДИНОВ,
Ўзбекистон шахмат
федерациясининг вице-
президенти,
халқаро ҳакам, тарих
фанлари номзоди.

Республикамизда хорижий мамлакатларнинг қўллаб-қувватловлари фаолият олиб бормоқда. Улардан бири Германия савдо-саноат палатасининг Ўзбекистондаги ваколатхонасидир. Биз ушбу ваколатхона менежери Ольга Лаврова билан суҳбатлашдик.

— Айтингчи, ваколатхонанинг иқтисодиёт ва савдо соҳасидаги фаолияти қандай кечаяпти? — Биз Германия савдо-саноат палатасининг бир бўлими сифатида фаолият олиб борамиз. Биринчи навбатда Ўзбекистон бозорига кириб келаётган немис фирмалари билан компанияларнинг манфаатлари ва қизиқишларини ҳисобга оламиз. Шу мақсадда Германия вакиллари билан биргаликда семинарлар, симпозиумлар уюштирамиз. Немис фирмаларининг вакилларидаги таъсир савдо соҳасидаги Ўзбекистон қўллаб-қувватловлари бўйича, солиқ ва божхона

қонун-қоидалари тўғрисида тушунтириш ва маслаҳат берамиз. Ўзбекистон бозорига кириб келаётган немис фирмалари билан компанияларнинг

ланган ҳолда Германиядан келтириладиган маҳсулотлар ҳақида ҳамкорларни топишда муҳим хабарлар билан таъминлаймиз. Германияда ўтказиладиган я-

тахассислар иш олиб беришяпти. Германияда экспорт хизмати жамияти мавжуд. Бу жамиятда уч ярим минг нафардан ортиқ экспортлар иқтисодиётнинг

ши қандайлиги ҳақида маълумот беришлари лозим. Шундан кейин биз бу буюртмаларни Германияга жўнатамиз. Германия томонидан ўз ҳисобидан экспортларни Ўзбекистонга юборади. Ўзбекистон томонидан экспортни таржима, транспорт, турар жой билан таъминлаши, фирма ҳақида аниқ маълумотларни бериши керак.

— Буюртмаларнинг муваффақияти қай даражада?

— Айтиш мумкинки, муваффақиятли лойиҳалар кўп. Ҳозир Германиянинг «Дойфель» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона тўзиш масаласи ҳал қилинган. Яна шунинг ҳам айтиш мумкинки, ваколатхонамиз банк ва молия тизимида менежмент мутахассисларни ўқитиш, қимматли қўғозлар бозорини ривожлантириш соҳасида ҳам ёрдам кўрсатиши мумкин.

Суҳбатдош
Очил ҲАЗРАТОВ.

АМАЛИЙ ҲАМКОР

пишда амалий ёрдам берамиз. Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳамкорлари билан муаммоларни ҳал қилишда ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишда ҳам кўмаклашамиз. Бизда улкан компьютер захираси бор. Бу орқали ўзбекистонлик ҳамкорларимизга ким Германиядан нима олиб келаяпти, Германиядаги фирмалар ва уларнинг имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берамиз.

Ўзбекистондаги амал қилаётган қўнчиликка мувофиқ, биз ўзбек ишбилармонларига бепул хизмат кўрсатамиз. Хизмат турларимиз қуйидагилардан иборат: компьютердаги маълумотлардан фойда-

маркалар ва кўргазмалар ҳақида тезкор хабарларни берамиз. Германияда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда Ўзбекистоннинг фирмалари ва ташкилотларига ўз маҳсулотлари билан қатнашишда ёрдам берамиз.

— Германиядаги фирма ва компаниялар билан ҳамкорлик қилиш учун ўзбекистонлик ишбилармонлар нима қилишлари лозим? Германиялик экспертлар Ўзбекистонда фаолият олиб боришяптими?

— Ўзбекистонлик ҳамкорларга биз турли хил техник ёрдам турларини кўрсатишимиз мумкин. Бу борада германиялик му-

турли соҳаларида фаолият юритишмоқда. Ишбилармонларининг буюртмаларига асосан бу экспортларни Ўзбекистонга тақдир қилишимиз мумкин. Улар фирманинг фаолият йўналишини белгилашда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини яхшилашда керакли маслаҳатларни беришади. Шу билан бирга, Германиядан керакли жиҳоз ва ускуналарни келтиришда ҳам кўмаклашамиз. Бунинг учун ўзбек ишбилармонлари бизга ёзма тарзда мурожаат қилишлари керак. Бунда улар ўзлари ҳақида, яъни нима билан шуғулланишади, имкониятлари қай даражада, фаолият йўнали-

шулар жумласидандир. «Қамолот» жамғармаси мактабда фаолият кўрсатаётган «Умид» театр гуруҳига ҳомийлик қилади. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига ба-

«Қамолот»

БИРГАЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ

Увайсий номли 104-ўрта мактабда ўқувчи-ёшларнинг илм олиши, ҳунар ўрганиши, бўш вақтни маънавий қамолот учун сарфлашга интилишини шакллантирувчи тадбирлар ўтказиш яхши анъанага айланган.

Бу борада «Қамолот» жамғармаси Сергели тумани бўлими билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ўзининг ихобий самарасини берапти.

Маълумки, ҳозир ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасини техникасиз, компьютерсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ёшларни ҳар томонлама етук, баркамол инсон қилиб тарбиялашда мактаб ва «Қамолот» жамғармаси ибратли ишларни амалга оширяпти. Ишлаб чиқариш илгөрлари, ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, санъаткорлар, турли касб эгалари билан ўтказилган учрашувлар, адабий-музыкали кечалар, баҳс ва мунозаралар

ғишлаб ўтказилган «Темурийлар авлодиданмиз» кўрик-танловиди мактабимиз ёш санъаткорлари фарҳли биринчи ўринни эгалладилар. «Соҳибқирон ноҳиси» деб номланган театрлаштирилган саҳна асарини ўқитувчилар ва ўқувчилар зўр маҳорат билан ижро этиб, ғойибликни қўлга киритдилар. Усмонбек Тожиевнинг бевосита ташкилчиллиги ва раҳбарлигида ижодий гуруҳимиз икки кун давомида Амир Темур қадамжолари бўйлаб,

гўзал Самарқандда саёҳатда бўлиб қайтдилар.

«Қамолот» жамғармаси туман бўлимининг ташаббуси билан мактабимизда «Ўсмир ва қонун» клуби фаолият кўрсатяпти. Суд, прокуратура, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари, вояга етмаган ўсмирлар билан ишлаш инспекцияси ходимлари иштирокида ўтказилган қатор учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўқувчиларни қонунларимизнинг устиворлиги, қўнчиликка риоя қилиш, ўз ҳуқуқини билиб олишида асосий омил ҳисобланади.

«Қамолот» билан бирга олиб бораётган ишларимиз ёшларни она диёримизга меҳр-муҳаббат, мустақил мамлакатимизга муносиб фарзанд бўлиб етишишларида муҳим тарбия ўчоғи, маънавият сарчашмаси бўлиши дилларни қувонтиради.

Абдунаби ОРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълоҳисси.

Ибрат олса арзийдан

АТРОФ-МУҲИТ ГАМИДА

◆ Утган ойда шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Алгоритм» заводи ташаббуси билан таъминла янги, сифатли ишланма — «Ал-Нур» стартерининг тақдироти бўлиб ўтди. Ушбу ускуна куйган люминисцент чироқларнинг «умри»ни яна 5—6 йилга узайтириш имконини беради. Демак куйган лампаларни ташлаб юбориш, йўқотишнинг энди ҳождати йўқ, унга қайта нур бағишлаш мумкин. Бу ҳам иқтисодий, ҳам экологик фойдадир.

◆ «Компрессор» заводиди вагранкаларни электр печлари билан алмаштириш ишлари давом этмоқда. Печ ишга тушса, атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқиши барҳам топади.

◆ «Сувсоз» трести Бектемир туманидаги сув тозалаш иншоотини батамом янгидек қилиб таъмирлаш ишларини бошлади. Ниҳоят Чирчиқ дарёсининг сувлари ҳам топ-тоза оқадиган бўлади.

◆ «Ёрқин нур» хиссасдорлик жамияти ва «Новатор» фирмасида пластмассадан ясалган шиша идишларни қайта ишлайдиган технология қурилмоқда.

◆ «Тошкент трактор заводи» Давлат акционерлик жамиятида чиқиндилар, қириндилар ташлаш ўраси режадан ташқари мустаҳкамланди.

◆ «Шарқ таронаси» хиссасдорлик жамиятида эса чанг тозаллагич тизими ишга туширилди.

◆ «Каптор», «Галаба» кичик корхоналарида фильтрлар, циклонлар тула таъмирдан чиқди.

◆ «Рангли Лок» фирмасида ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари сақланадиган омборнинг майдони бетонланди, янги куйиш эстакадаси ишга туширилди.

◆ «Тошсисқилиқмарказ» корхонасида ПТБМ—100 қозонхонасини сошлаш ишлари ниҳоясига етди.

Исмомил АМАРОВ.

Қиш тайёргарлиқни еқтиради

ТАЪМИРЛАШ ТУГАПАНМОҚДА


Ҳамза туманидаги коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли уй-жойларни иссиқлик билан таъмирлаш ва таъмирлаш ижара корхоналари қиш тадоригини кўришмоқда. 10-ижара корхонасининг бу борадаги ишлари билан танишдик.

— Корхонамизга қарашли 57 та уйнинг барчасида қишга тайёргарлик ишлари тахт қилиб қўйилган, — дейди ижара корхона бошлиғи Илҳом Мирзаев. — 37, 58, 59, 60, 64-уйлардаги капитал таъмирлаш ишлари туғаш арафасида. Барча уйларнинг ертўраларини саранжомлашди. Керакли жойларга ёритгич мосламалари ўрнатиб бўлинди.

Маълумки, банд қаватли уйларда кўпроқ иссиқ сув оқадиган қувурлар тез ишдан чиқади. Шунинг учун ҳам биз ажратилган 520 погонметр қувурни ана шу мақсад учун ишлатдик...

Ха, туманда 1997—1998 йилги кузги-қишқи мавсумга тайёргарлик юзасидан аниқ режа ишлаб чиқилган эди. Шунга қўра ташкилотларга қарашли 19 та иситиш қозонхонаси мавсумга тахт қилиб қўйилди. Ҳозирги кунда коммунал фойдаланиш бошқармаси ҳисобида 765 та уй мавжуд. Бу йилги мавсумда капитал таъмирлаш ишларига 63 миллион 880 минг сўм сарф этилиши мўлжалланган.

Гулзода
МАМБЕТОВА.



Собир Раҳимов туманидаги Қорасарой ва Абдурахмонов кўчаларининг кескиган бурчагига яна 9 қаватли уйлардан бири қад ростлади. Ҳозир бу ерда пардоз ишлари тугалланди. Ҳадемай уй тўлири бўлади.

Рашид Галиев олган сурат.

Инсон манфаатлари йилида шахримизда жуда кўплаб турар жой бинолари қад ростлаб, юзлаб хонадон эгаларининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондирмоқда. Қатортол даҳаси «Марказ — I» мавзесида бунёд этилаётган 17 та турар жой биносида «Уйжойжамғармабанк» буюртмаси асосида қурилиш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда.

Бу турар жой биноларини хонадон эгалари дидига мос равишда бунёд этишда «Тошкентуjoyинвесткурилиш» корпорациясига қарашли 1- ва 2-йосозлик комбинатлари қурувчилари жонбозлик

кўрсатишмоқда. Бу ерда шу кунларда 300 нафардан ортиқ қурувчи икки сменада ишламоқда. 1-йосозлик комбинатининг 2- ва 26-қурилиш босқармадари 5- ва 14-уйларда қурилиш-тик-

ҳам хурсанд бўлади, қурувчиларимиз ҳам моддий манфаатдор бўладилар.

Қурилиш-тиклаш ишларида Фарҳод Усмонов ҳамда Аҳтам Едгоров етакчилигидаги бригада

ришга интиладилар. Комбинатнинг 10-авторхонаси транспортчилари эса Абдузоҳид Ҳакимов раҳбарлигида қурувчиларни мунтазам равишда материаллар билан таъминлаб турибдилар.

5- ва 17-уйлар 2-3-4 хонали бўлиб, хоналари шинам, айвонлари эса кенг, шарқона усулда қурилган. Ҳозир бу уйларда пардозлаш ишлари ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Ҳадемай уйларнинг хонадонларида ёқилган чироқлар, нафақат уларнинг, балки уни бунёд этишда иштирок этган бунёдкорларнинг ҳам дилига ёруғлик олиб қиради.

Шарифа ИЛЁСОВА.

ШАРҚОНА УСУЛДА

лаш ишларини қисқа муддатларда адо этишди.

— Уйларимиз қанча тез ва сифатли қуриلسа, бизга ҳам яхши бўлади, — дейди ишбоши Одил Рихсиев. — Чунки уйга муҳтож оилалар

қурувчилари ўзгача ғайрат билан меҳнат қилдилар. Қурувчилардан Азиз Бобоев, Геннадий Моргунов, Николай Шубин, Абдуҳалиқ Мусаев, Алишер Тўхтабоев сингарилар ҳар бир ишни кўнгилдагидек баха-

Бахт-саодатга интилиб яшаш инсонга хос хусусият. Бахт ғойибдан келмайдиган. Ҳар бир инсон ўз бахтининг ижодкори. Ҳар бир инсон бахтга эришишни орзу қилади. Аллоҳлардан бири айтгандек қуш парвоз учун, инсон бахт учун яралган.

Жамиятнинг мақсади ҳаммани бахтиёр қилиш, эркин, озод, тинч, фаровон ҳаётни таъминлашдир. Ҳамма учун бахтиёр турмуш ҳамманинг аҳил меҳнати билан яратилади. Киши ўзидан бошқа жамият аъзоларига қанча кўп шодлик ва бахт улашса ўзи ҳам шунчалик кўп бахтга даъвогар бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ўзимизга ўхшаган меҳнаткаш одамларнинг бахтини ўйлаб, ўз бахтимизни ҳам топамиз.

Ҳаётда бахтли бўлишнинг бирдан-бир йўли жумлаи жаҳонга ва айниқса, ўз Ватанига фойдали бўлишдир. Имкон бо-

Бахт вазиятга эмас, кишининг ўзига боғлиқ. «Бахт бахтсизликка нафрат билан қарашдан бошланади», деб — бежиз айтишмаган.

Бахт сотилмас ва кимки агар Тер тўкишга бўлса молик. Шунда толе бўлур жилвагар, Шунда шодлик қилур ошнолик.

Пири устозимиз мавлоно Алишер Навоий «Ҳайрат-ул абдор» асарларида ёздиладир: «Болани мурид, отани эса пир деб бил. Ҳар ишда унинг буйруғининг таъсири бўлади. Бахтли ва қариб юришни истасанг, бу пир олдида ҳеч айб иш қилма». Яна у зоти олий айтадиларки: «Умр вафосиздир, давлат ва мартаба ҳам баҳосиз. Дунёда бахт ва бахтсизлик тахиди бир нарсадир. Қўзни юмиб очгунча ҳаммаси ўтиб кетади». Бахт мангу эмас. Янги-янги фароғатларга ва янги-янги марраларга, мукамалликларга беулчов интилиш, бахт мана шундир. Шунга эришайликки, жондан азиз фарзандларимиз умум фаровонлиги йўлида хизмат қилиш иштиёқи қалб эҳтиёжи ва шахсий бахтнинг гарови эканлигини мумкин қадар барвақт тушуниб етсин. Бахтсизликни яхши мактаб дейдилар, балким шундайдир. Лекин энг яхши дорилфунун бахтда мужассам.

Адаб илмининг комил устози Ҳусайн Воиз Кошифий бисотида ҳам бахт ҳақида қимматли, диққатга сазовор фикрлар мавжуд.

Шукр айлагуси бахту саодат йўлини кушод,

Ҳар кимки шукр қилса бўлур неъматни зиёд.

Яхши бахтни асло ҳушламас киши йўқдир.

Мамлакат арусининг меҳри тугила ўқдур.

Бунинг маъноси шуки, «инсон ҳаётида рози бўлиб, шукр қилиб яшаса, унинг мақсади, нияти амалга ошади. Лекин бахт-саодатни хоҳламайдиган инсон йўқдир. Мамлакатни бахтли-саодатли қилиш подшонинг сиёсати, лашкарларига боғлиқ», дейди мутафаккир.

Тинч-осойишта, тўкин-сочиликда яшаш бахт. Доно халқимиз бахт-саодатни теран тушунади. Бу улғу неъмат ҳақида ажойиб эртаклар, мақоллар яратган. Масалан: «Олтин олма» эртакда нақл этилишича қадим замонда икки қўшни яшаган эканлар. Уларнинг бири бою, лекин бефарзанд, иккинчиси эса бола-чақаси кўп, бироқ ниҳоятда камбағал экан. Бола-чақаси кўп камбағал қўшнингнинг уйи кечаю-кундуз шовқин-сурон, тўполон, бағир-бугур бўлиб, бой қўшнисига ҳеч тинчлик бермас экан.

Бир кун уша бой қўшни камбағални-кига чиқиб:

— Тинчлик берасизларми, йўқми? Ейишга овқатларинг йўқ, ҳамма ёқдан қарзга ботиб ётибсизларку, кечасию кундузи уйларингизда кулгу, шовқин-сурон, бу нима деган гап?! — деб дўқ урибди. Шунда камбағал шундай деб жавоб қайтарди.

— Эҳ, қўшни, бизнинг олтин олмаларимиз бор. Шуларни думалатиб, ўйнаб, димоғимизни чоғ қиламиз. Шунинг учун уйимиздан кулгу аримайди.

Бу сўзни эшитган бой ҳамма олтинларидан иккита олма асатди. Уйга келтириб эр-хотин юмалатишди! Аммо ҳеч қандай фарсандчилик бўлмади. Бой бу ҳолни қўшнисига айтиб, яна қандай сирасор борлигини сўрайди. Шунда қўшниси:

— Эй, бой ота, бизнинг олтин олмаларимиз, шоду-хуррамлигимиз, бахтимиз шу болаларимиз. Биз ҳар кун шулар билан кулиб-йўраймиз. Натيجида қийинчиликларимиз ҳам, қарзларимиз ҳам унутилиб кетади. Болалар бизнинг бозоримиз, — дебди. Бой ота ўзининг бефарзандлигидан афсусланиб, пешонасига бир уриб, уйига кириб кетган экан.

Аллоҳнинг китоби-Қуръони мажид, муборак ҳадиси-шарифларда бахт-саодат, бахтли инсон ҳақида гоят сермазмун фикрлар баён қилинган. Пайғамбаримиз жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтган эканлар: «Бахтли киши бошқани қўриб ваъзланган, яъни ибрат олган кишидир». «Бахтли киши фитналардан йироқ бўлган ва мусибат етганда сабо қилган кишидир».

Мирза Анвар КАРИМОВ.

Илтимойий ҳимоя

БЕМИННАТ ХИЗМАТ

Бектемир туманида 4250 та пенсионер бўлса, шундан 36 нафари иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 39 таси эса ёлғиз, қаровсиз қариялар ҳисобланади. Туман ижтимоий-таъминот бўлими уларнинг нафақаларини имкон қадар ўз вақтида етказиб беришга, зарур ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилапти.

Чунотчи, ёз фаслида дам олиш мавсумида нафақахўрлардан 36 нафари республикамизнинг турли сыхатҳоҳларида дам олиб, даволаниб ўз соғлиқларини тиклаб қайтишди. 8 нафар ногирон ногиронлик аравачаси билан таъминланди. Барча байрамларда пенсионерларга мунтазам равишда ҳар хил совға-саломлар тақдим этилмоқда.

Туман ижтимоий таъминот бўлими ходимлари аҳолига ижтимоий таъми-



нотта доир янги қонун ва шунтириш ишларини ҳам ҳукумат қарорларини ту- олиб боришяпти.

Дилшод ИСМОИЛ,
Усмон Усмонов олган сурат.

— Орифхожи ака, мумтоз кўшиқчилик санъатимиз ва мумтоз газалчилик, уларга бастанланган мусика нобб овозлар, истеъдодлар ҳақида суҳбатлашасан. Сиз кимларни нобб овоз соҳиблари деб ҳисоблайсиз?

— Узоқ ўтмишга эга бўлган мумтоз мусика меросимиз асрлар оша ўзининг гузал намуналарини, аъёнларини сақлаб келётганлиги — бу санъатнинг ҳар томонлама мукамал ва бой иқтидорларига эа эканлигидан далолат беради. Мусика меросимизда халқимизнинг кўп асрлик ўтмиши, қадриятлари, аъёнлари, маънавияти ва руҳияти каби қатор тарихий жиҳатлар ўз мукассамини топган.

Мулла Тўйчи хофиз репертуарининг шох асарларидан бири Алишер Навоийнинг «Қаро кўзум» газали асосидаги «Ушшоқ» ашулосига диққат қилинг:

«Қаро кўзум, келу мардумниг эмди, фан қилғил,

Кўзум қаросида мардум қаби даъан қилғил,

— матлабни мазкур газал ўзининг ниҳоятда тереки мазмунини, унинг моҳирона бадиий ифодаланиши билан ҳам кўйга жуда мос тушган. Мухлислар унинг сарҳли куйини тинглар эканлар, шояр газалининг ҳар қайси байтида мукассамга таштирилган чўқур мазмунни англашга интилади. Улардаги доно фикрлар мазмунини чаклар эканлар, Навоий қаламнинг қудратидан ҳайратга тушади. Кўй сехри, шояр қудрати, хофизнинг ижрочилик санъати — жозибали ва пурвиркор овоз кўшиқни чинакам санъат мўъжизасига айлантирган эди.

Биласизми, қизим, бу кўшиқни буюк хофиздан кейин унлаб санъаткорлар буюк эътиҳиди, аммо ҳар бирининг ижроси ўзига хос бўлиб, у кишиникига барибир етмайди.

Хайтда тахассус деган бир яхши нарсаси бор. Одам кимидир яхши кўради, кимгадир тақдир қилади. Биров Тўйчи хофизга, биров Ҳожи Абдулазизга. Шуларга эргашётганларнинг маънисини ҳам фақат ҳайли ишларга ундайди. Масалан, мен ёшлимда Карим Зокировка, Турғун Каримов, Акбар қори ва Эшмат Хайдаровларга ўқатишга ҳаракат қилганман.

У вақтларда микрофон йўқ эди. Уша кезларда катта-катта давраларда кўшиқ айтаск халойиқ хатто йўталмасди ҳам. Одамларнинг бутун вужудлари кўшиққа сел бўларди.

Домла Халим Ибодовнинг овози ўта нобб эди. У хатто аёл кишининг овози пардаси даражасигача етказса оларди. Хатто тумов бўлса бир парда юқори кутарарди. Назаримда унинг овозидек овоз ўзбекистонда бошқа тақроқларда деми. Яна Ҳожи Абдулазизнинг овози ҳам нобб.

Айни кунларда уларнинг издошлари — нобб овоз соҳиблари деб Махмуджон Йўлдошев, Махмуджон Тожибоев, Раҳматжон Қурбонов, Машрабжон Эрматов, Эркин Рўзиматовларни айтиш мумкин.

— Буюк истеъдод эгаси, аср макомдон, академик Юнус Ражабий агар ҳайт бўлганларда бу йил 100 ёшга тўлган бўлур эдилар. У киши ҳақида гап кетганида «Назаридан кўй, бармоғидан оҳанг» томонг дейишганини эшитганман.

— Узбек мусика маданияти, меросини келажак авлодларга етказишда, замона мусикасини, кўшиқчилигини бойитишда ажойиб инсон, моҳир макомдон бастакор, созанда, академик Юнус Ражабийнинг хизмати беқиёсдир. Юнус ака билан ўн тўққиз йил ёнма-ён юрдим, санъатларидан, билимларидан баҳраманд бўлдим. Ниҳоятда мураккаб сўзларни тўғри талаффуз этганимда, «Улма-ни!» дея елкамга ҳокиб кўярдилар. У киши «Ўзбек халқ мусикаси» деган бешта китоб ёзган бўлсалар, бешинчи том макомга бағишланган эди. 30 йиллик умрларини китоб яратиш ишига бағишладилар. Домин ўн кўнларидеа мен, чап кўнларидеа Берта Давидова утирдик. Юнус Ражабий бағри кенг, ўз ишининг билимдон эди. Улар 1926 йилгача Ҳо-

жи Абдулазизнинг меҳмонхонасида истикомат қилганлар ва уларга найча бўлганлар. Сўнг Тўйчи хофизга ҳамнафаслик қилганлар. Устоз Тўйчи хофизнинг репертуарини ҳаммасини билган. Агар бирор жойда хаттога йўл қўйсан, дилимизга озор етказмасдан тўшунтиргувчи эдилар.

— Инсоннинг хотирасида баъзи бир кунлар шундайин муҳрланиб қоладики, ўлгунча унутмайди. Ана шундай кунлар сирасига мен кўшигингиз дастлаб радиотўлқинлари орқали жаранлаган кунни киритардим. Умуман олганда хотирагиздан ҳеч

Диплашув

КЎШИҚ — РУҲИЙ ОЗУҚА

Ўзбекистон халқ артисти Орифхожи Алимаҳсумов билан суҳбат

шикоят қилганмисиз? Баъзан санъаткорлар хотираларининг фаромушлигидан шикоят қилиб қолишад.

— Ҳа, инсоннинг хотираси худди тарих дафтарига ўхшайди. Биринчи бўлиб радио тўлқинлари орқали овозим янградики Фахриддин Содиков ҳолийлик қилганлар. 1956 йилда пахтакорларимиз пахта планини бажарганликларни муносабати билан «Тўй муборака!» кўшигини ижро этгандим. Шундан кейин бирин-кетин «Гуллар вайсийди», «Яшил кишлоқ» кўшиқларим мухлисларим ҳуқимига ҳавола этилган.

Хотирамга келсан, бир пайтлари икки марта эшитган нарсамни учини марта ёд айтиб берадими. Уша 50-йилларда мени «Махсум дафтар» дейишарди. Тенгқўрбларим нуттан сўзларини тез-тез сўраб туришарди. Халқ дилига тушган барча кўшиқларини хотирамда сақлардим. Хатто баъзи ҳамкасбларим катта сахнадан туриб мимика билан сўрашганда, ана шундай усулда жавоб кайтарганман. Маком ансамбли ташкил бўлгунга қадар Ортинқўжа Имомхўжаев ҳамнафаслик қилганлар. Улар бирмунча кексайган бўлишларига қарамай овозлари ўткир эди ва мен билан пардага бемалол муолака қила олардилар.

— Ойнаи жаҳон орқали намойиш этилаётган концертларнинг деярли барчаси фонограммда, яъни овозлар ёзиб олинган. Назаримда жонли овозга ҳеч нарсаси етмайди. Сизнингча хонандага фонограмма керакми?

— Фонограмма — ашуланини ўз устида ишлатиладиган, масбулятинги сунъийтарилган нарсаси. Айниқса ёшларимиз Европада тақдир қилиб бир ёздир кўйишад-да, ялло қилиб юрaverишад. Ашулани чор-атрофидеа утирган одамларга қараб айтиши керак. Ахир ёнверисидеа қариялар утирган бўлса, «Сен онангини рози қил!» деб турса тўғрими?! Фонограмма керак эмас, деб ўйлайман. У бўлмаса хонанда овозини сақлашга ҳаракат қилади, кечқурун халқнинг олдида чиқаман дея маза-бемазаси нарсалардан ўзини тияди. Катта сахнага чиқадиған артистлар ўзларининг йўл қўйган хатоларини тўғрилайдилар. Овоз ёзиб олингандан кейин эса хатони тўғрилашининг имконияти йўқ. Санъаткор ўз овозининг нимага қодирлигини билса, эл олдига ҳеч қачон уялиб қолмайди.

— Кўшиқлар ҳам худди фарзандингизга ўхшар ҳар хил — дардли ва дардсиз бўлади. Дардли кўшиқ юракнинг тубидан ёниб чиқади. Сиз кўшиққа қандай таъриф берган бўлур эдингиз?

— Кўшиқ — бу инсоннинг руҳий озукаси. Инсонда ҳар хил ҳолат бўлади. У одамга кўч-қувват ва илҳом бағишлайди. Эшиттүвчилар ҳар хил бўлади — биров мусикага, биров сўзига, биров классикага, биров эстрадага. Бир сўз билан айтганда, инсонни турли оғушларда ўзига жалб қиладиган намба. Бастакорнинг фаолияти ҳам инсон руҳига таъсир қилади. Бастакорнинг созиға мансуб асар — кўшиқ айтүвчининг эл ўртасида ҳам машҳур қилиши мумкин. Ганижон Тошматов, Тўхтасин Жалилов, Саиджон Қалонов, Юнус Ражабийларнинг меҳнатлари кўшиқчиликнинг умрбоқийликка, абадийликка юз тутмишда катта роль ўйнади.

— Мухлисларингиз энг севимили кўшигингизни қуйлаб беришини сўрашса, қайси кўшиқни қуйлаб эдингиз?

— Мухлисларимнинг ўзи суйиб тинглайдиган, жон қулоқларини берадиган «Сўлим» ва «Чўли Ироқ»ни қуйлардим.

«Ёрни ойнақдан қаранг, ноз уйқуда ётганмикин», «Ёрга қилгон нолишим уйқудан уйғотганмикин?»

Кўпчилик бу кўшиқни «Сўлим» деб аталишини билмайди, аммо сатрларини айтиб юргүвчилар талай. Бу кўшиқ шеъри Соатий қаламига, мусикаси эса бастакор ва созанда Имомжон Икромовники.

— Кўшиқ нима учун «Сўлим» деб номланган ва уни ким биринчи бўлиб ижро этган?

Ушбу кўшиқни Қобил қори Сиддиқов илк бор ижро этганлар. Кўшиқ «Ёрни ойнақдан қаранг» деб номланганди. Уша кезларда ҳар бир кўшиқ радиотўлқинлари орқали янграшадан олдин комиссия аъзолари эшитиб, кейин рухсат беришарди. Кўшиқни эшитиб бўлган Мухиддин Қорйёқубов «Ох, жуда сўлим кўшиқ бўлибди-ку», дебди. Бу сўз қолганларга ҳам таъсир қилиб, «Кўшиқ «Сўлим» деб номлансин» дейишди. Шуш элимизнинг, севишганларнинг юракларини бир четидеа жаранглапти.

— Битта кўшиқни ҳам созанда, ҳам лиқончада ижро этилганининг шохиди бўлганман. Сизнингча қай бирида айтган маъкул?

— Бу хонанданинг маҳоратига, овоз пардаларига боғлиқ. Соз — ўлчаов, мезон. Айтүвчи соз ёрдамида 1-2 павчо қилиши, яъни овозига дам бериши мумкин. Липқода айтиш эса ижроқидан катта маҳорат, қобилият талаб этади, чунки у овозини бир текисда ушлаб туриши, ўртада нафас олиб қўймаслиги, авжу даромад ва олосини ҳар-жойида айтмоғи керак. Санъаткор бир кўшиқни ижроқидан бошлашдан олдин овозининг ўрганитиларини ҳисобга олмоғи даркор.

— Ойнаи жаҳон орқали бериладиган «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви орқали ҳаётларимизга кўп ибратли маслаҳатлар бераётирсиз. Одамлар ўртасида меҳр-оқибатни янада кучайтириш учун биринчи навбатда энг зарур нарсаси нима деб ўйлайсиз?

— Мустиқлилик шарофати билан халқимизнинг қадимий ва айни пайтда гоъят ибратли ақидалари, урф-одатлар тикланмоқда, қадриятларимиз қайтмоқда. Саховатпешалик, сабр-қаноатли бўлиш инсон учун энг керакли фазилатлардан бири. Ишончнинг қомил бўлсинки ёмон куннинг кетидан албатта яхши кун, хурсандчилиқнинг кетидан ҳам-ташвиш келиши мукярар. Инсоннинг умри чексиз эмас, бир кун келиб поёнига етади. Шунинг учун жиғарғушларини тингизга, қариндош-уруғларинизга, оғайиларинизга қўлдан келганча фақат ёрдам бериб, ширин сўзлашга, яхши муолакада бўлишга ҳаракат қилинг.

Ун бир йилдан буюн «1-Яккасарой» маҳалласига оқсоқоллик қилаётирман. Кўп вқеаларнинг шохиди бўлдим. Кўп билимли, маърифатли олим кишилар билан мулоқотда бўлдим. Бу менинг ҳаёт тажрибамни оширди. Ўз ҳаёт йўлида «ҳар ким эканини ўради», деган ибранинг жуда тўғрилиги амин бўлдим. Шунинг учун элимизни ҳозиргидек аҳил ва иттифоқда яшашга ҳақираман.

Суҳбатдош
Маъмура НАБИЕВА.

— Одамларнинг «Маҳалла» жамгармасига алоҳида ишонч, умид боғлаганликларини алоҳида таъкидламоқчиман. Шулар ҳақида ўйлар эканман тил учидеа айланаб турадиган гапларимиз ҳам борки, уларни айтмаслиқнинг иложи йўқ, — дейди «Маҳалла» хайрия жамгармаси Шайхонтоҳур тумани бўлими раиси Хислат Содиқов.

— Хислат ака, давлатнинг ночор оилаларга моддий ёрдам пули кимларга аталган?

— Саволингизнинг ўзида жавоб тайёр. Аммо моддий ёрдамга ўта муҳтожлар-ку майли-я, баъзан ўзига тўқ, топиш-тутиши тузуқ, ҳовлисида бир нечта мол-қўйлар борлар ҳам ёрдам сўраб ҳоқимликларга бош уриб киришларига ҳайрон қолсан.

Ошқора мулоқот

ТИРИК ЭКАНИМIZ, МЕХР УЛАШАЙЛИК

Уларни маҳаллада яхши билишадди. Қолаверса, маҳалла фуқаролар йиғинидеа махсус тузилган комиссия кимга моддий ёрдам кўрсатишни чўқур ўрганиб чиқарди. Белгиланган низоом доирасидан чиқмаган ҳолда ёрдам берилади.

Ҳар қандай иқтисодий кўмак, моддий ёрдамлашиш маънавий, руҳий қувватладан ўта олмайд. Руҳан қўлаб-қувватлашиб, маънавий таянч олиб турган кишиларда қандайдир ўзгача чидам, сабот, уқтамлик сезилиб турар экан.

Шундай ҳоллар бўладики, уйда қўша-қўша ўғил-қизлари, тоғни урса талқон қилгудай аллоқмат фарзандлари бор қариялар арз қилиб келишадди. Тағини сўртишсан фарзандлари ҳеч қаерда қўшни билиб ишламайди. Маҳалла фуқаролари топиб берган иш эса уларга ёқмайди. Уларга қарата шундай дегим келди: эй қадрдоним, жамгарма боқимандалар учун тузилган эмас, топиб берилган ишга шўқур қилиб меҳнат қилинг.

— Боқувчиси бўла туриб моддий ёрдамга муҳтож қариялар ҳам учраб турса керак. Уларга қандай кўмаклашилади?

— Баъзан ётиб қолган кишиларнинг қариндош-уруғлари, ўғил-қизлари борлигини эшитиб асабинг таранг тортади. Инсон тирикчилигида қадрини ўрнига қўйиш керак. Ота-она ўтиб кетгандан сўнгги оҳ-воҳлар, қилинган сарф-ҳаражатлар аслида тирикчиликдаги эътибосизлиқни, кемтикликни тўлдирармикин?

Яқинда туманимизда жолашган маҳаллардаги иккита оилада бўлиб қайтдик. Ҳар иккисидеа ҳам бир хил аҳвол. Биринчиси ёлғиз отахон, иккинчиси ёлғиз яшовчи она. Ҳар иккисидан фарзандлари ҳақида сўрадик.

— Тўртта қизим бор эди. — деди онахон, — қиз болалар бировнинг ҳасми экан, ҳаммаси турмушга қикиб кетган...

— Қизларингиздан бирортаси сизни уйлариға олиб кетишмадими, ё ўзингиз истамадингизми?

— Агар олиб кетаман дейишса албатта борардим, набираларим бағрида бўлишни жуда хоҳлардим. Лекин...

— Менинг бир ўғил, икки қизим бор,

— дейди хўрсиниб отахон.

— Ховлингизда уйлариғиз сони кўп экан, ўғлингиз қаерда?

— Уғлим келин иккови «дўм» да туришадди...

Хайхотдаи ховлилар ўт босган, қаровсиз, фарзандлари ҳеч бўлмаса ҳафтада бир келиб хабар олишса ота-оналари эшикка кўз тикиб ўтиришмаган бўлармиди. Яхши ҳам маҳалла-қуй, қўни-қўшнлар бор.

Нафақалар ойдан-ойга ошириб бориляпти. Хайрия жамгармалари ҳам кўмагини аямаяпти. Аммо, кечирасизу, ростига қўчсақ, нафақаларга қўл қўйиб пулнинг ўзини кўрмаётганлар ҳам топилади.

Айрим оилаларда болалиқдан ногиронлар бор.

Начора, уларнинг бутунлай тузалиб кета олмаслиғига ота-онанинг қўзи етади. Аммо, «Боламини даволатгани олиб бормоқчиман, шунга моддий ёрдам беринг», деб келишадди. Уша болалар учун давлатимиз томонидан ногиронлик нафақалари белгилаб қўйилган. Сиз шу пулларини унинг ўзига сарфланг, деб айтишга журъат қани?...

Тўғри, маҳаллаларда ночор оилалар йўқ эмас.

Улар ҳар томонлама қўлаб-қувватланмоқда.

Яқинда туман хотин-қизлар кўмитаси билан «Маҳалла» хайрия жамгармасининг Қоратош маҳалла фуқаролар йиғинидеа ўтказган «Маҳаллам — оилам» мавзуйдаги тадбирда қизик бир воқеанинг шохиди бўлдим. Маҳаллада етмиш ёшдан ўтиб қолган, ўзини Шарофат ая, дея таништирган онахоннинг сўзлари бизни ҳаяжонга солди.

— Менга савоб керак, холос, — дейди Шарофат ая, маҳалла аёлларига қарата. — Ўзим соғ-саломатман. Ҳеч нарсаси муҳтожлигим йўқ. Бу дунёда савобли иш қолади. Ҳўш, қайси оилада юмш бор, қўли тегмаётган келинларга кўмаклашай. Ахир ёш болалари сероб оилалар бордир? Бирор ташкилотда ишлайди-ю, уй-рўзгорига қарашга улгурмас? Нотинч оилаларга бораман. Жанжалхас болалар билан ўзим гаплашаман. Ёш келинларга маслаҳат бераман. Хабар қилсанлар кифоя, етиб бораман. Азбаройи, савоб учун қилмоқчиман, холос...

Қари билганни пари билмас, дейди халқимиз.

Бу бежиз эмас, ҳамма нарсаси ўткинчи эканини, фақатгина эзгулик, меҳр-мурувватнинг умри узоклигини қариялар туйиб етган бўлса не ажаб? Юртбошимиз «Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак» деганида ана шуларни назарда тутгани аниқ.

Қўча маҳалла фуқаролар йиғини худудидеаги Аҳил кўчасидеа яшовчи етмишдан ошган Абдурахмон ота Соҳобов уйда бўлдик. Турмуш ўртқорлари барвақт вафот этиб кетган экан. Ўн етти ойи ота тўшакка милганган.

— Ўғил-қизларимга, келинларимга мингдан-минг раҳмат, — дейди мамнунлик билан, — беминнат қарашади. Айниқса, Шавкатжон ўғлим менга қарияман деб ишдан ҳам кечиди. Кечаю кундуз қошимда. Қўни-қўшниларим, фарзандларимнинг оғайинлари ҳам кунора келиб туришадди. Барибир ётган одамга қийин экан. Қўнадан келадиган одамга ташна бўларкансан...

Ота гапининг индаллосини айтдилар. Бир-биримиздан меҳримизни аямалик, дўстлар!...

Маъмура РЎЗИЕВА.

Нихол

КАМОНЧИ

(ЭРТАК)

Қайда бўлган, қай замон,

Оламнинг қай элида.

Бир эртақ бордир ҳамон,

Одамларнинг тилида.

Бўлган экан донишманд,

Яратишни кўзларкан.

Одамларга ҳунар ўрган,

Дея кўп бор сўзларкан.

Бозорларни айланиб.

Секин-аста юраркан.

Хунармандлар кўригин,

Ташкил этиб тураркан.

Камончи келиб бир кун,

Унинг йўлини қутибди.

Унга дуч келган чоғи.

Дарров сўзга туттибди:

«Рухсат беринг, ҳунарим —

Бир бор ишга солайин.

Узук қўзин юз газдан

Мен нишонга олайин.

Донишманд кўрса йигит,

Қўлидадур камони.

Майли, қолмасин, деди.

Дилидаги армони.

Нишон олди камончи,

Узукни юз газ ердан.

Йиғилганлар шу дамда.

«Уҳ» деб юборди бирдан.

Донишманд деди шу он:

«Тинчланингиз ҳалойиқ:

Камончининг бу машқи.

Албат тағинга лойиқ.

Элик танга берингиз.

Камонига олсин у.

Ўқ отиш ҳунар эмас.

Ўйлаб ўйга толсин у.

Аслида уриш керак

Камончига қирқ дарра.

Токи қўлига қурол.

Олмасин бир қарра».

Одамлар лолу ҳайрон.

Саховату қаҳрга.

Қамчи нечун лозимдир.

Ахир болақақирга?

«Уку қурол аслида.

Жон олишдан дарақдур.

Яшасин барча жонзот.

Бу иш кимга керакдур?

Элига ҳам бергүвчи,

Касб ўрганса бўларди.

Ҳунарида бу оламнинг,

Бир қорига яярди.

Эътиқодим шул эрур,

Дониш сўзини сўзларман:

Халқнинг тинч-осойишта.

Яшашини кўзларман».

Йиғит ўйлаб охири

Қуролини ташлади.

Устахона ичидеа,

Яна ишлай бошлади.

Урнай-урнай охири

Ясади соз, камонча.

Ажиб садо бераркан,

Торға теккан замонда.

Бир садоки, одамлар

Жонига жон берармиш.

Барча дардга у малҳам,

Тинглаб, ҳузур қилармиш.

Яна дебди донишманд:

«Қўларингизда гул унсин.

Сен ясаган ушбу соз,

Дунё тургунча турсин!»

Хусан АҲМЕДОВ.

ГЎЗАЛЛИК БАХШ ЭТИБ...

Биламизки, Фарбада айрим санъаткорлар, спортчилар қиёфалари ўзига ёқмагани учун бир неча марта лаб пластик

ТАСИС дастури

ТАДБИРКОРЛАР ХОРИЖДА ЎҚИШМОҚДА

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ТАСИС дастури доирасида бир неча ўқув курсларини ташкил этган. Бизнинг мазкур марказ директор ўринбосари Нўмон Камолов билан суҳбатимиз ҳам шу тўғрисида бўлди.

— Республикамизда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш борасида марказ томонидан ТАСИС дастури доирасида қандай ишлар амалга оширилляпти?

— ТАСИС дастури Европа Иттифоқининг ташаббуси билан ҳамдўстлик мамлакатларига техникавий ёрдам кўрсатиш мақсадида тўзилган. Шу дастур асосида бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази 1995 йилдан бери ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Марказнинг ташкил топишидан асосий мақсад — Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш ва ўқув дастурларини тузиш, уларда бозор иқтисодиёти асослари кўникмаларини ҳосил қилиш, Европа Иттифоқидаги бўлаётган ҳозирги жараёнда тадбиркорлик қандай ривожланаётганлигини кўрсатиш эди. Шу давр ичида ўзбекистонлик тадбиркорларимиздан 200 нафарини Италия ва Англиянинг нуфузли фирма ва компанияларига уларнинг фаолияти билан таништириш мақсадида икки-уч ҳафталик сафарларга юбордик. Натижада тадбиркорларимиз мазкур давлатларда ўз малака-тажрибаларини ошириб қайтишди.

Бу марказнинг ва дастурнинг биринчи вазифаларидан бўлса, иккинчиси — тадбиркорларга бозор иқтисодиёти шароитида юзга келадиган муаммолар ва уларни ечиш кўникмаларини берадиган ўқув курслари ташкил қилиш эди. Бу масалада бизга Европанинг нуфузли ўқув марказлари ёрдам бермоқда. Жумладан, Италиянинг менежментлар тайёрлайдиган Ифуа институти, Англиянинг Ноттингем шаҳридаги нуфузли консалтинг компаниясининг кўмагида марказимизда тадбиркорларнинг ишончини қозонган дастурлар яратилди. Яъни маркетинг ва менежмент бўйича, ҳамда бухгалтерия ишларининг самарали йўллари юзасидан дастурлар ишлаб чиқилди. Биз тадбиркорлар ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи муассасалар, масалан, Бизнес фонд, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, тадбиркор аёллар уюшмаси ва Давлат Мулк қўмитаси мутахассисларини марказимизда шу махсус дастурлар асосида ўқитяпмиз.

Ҳозирги қилаётган ишларимиз, бу дастурларни янада чуқурлаштириш ва уларни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражада келтириб қисқа муддат ичида тадбиркорларга турли хил билим-кўникмалар бериш. Бунинг учун бизда асосан ҳамма шароитлар яратилган. Ўқув хоналаримиз керакли анжомлар билан жиҳозланган. Президентимиз Вазирилар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида тадбиркорларнинг олий ўқув юрти бўлиши кераклиги ҳақидаги масалани кўтардилар. Яъни, бу олий ўқув юрти тадбиркорларни қисқа вақт ичида тайёрлаб, уларни хизмат вазифаларига тез ўрнаштири олишига қўмак бериши керак. Бунинг учун албатта ҳозир ТАСИС дастури доирасида кўп нарсалар қилиняпти. Уларнинг ҳаммасини бир жойга муассамлаштириб, имкониятларини тўплаб битта йўналишга йўналтириш керак. Бунда марказлар фақатгина қисқа даврлик ўқув курслари билан чекланиб қолмасдан, узоқ муддатга мўлжалланган, масалан 2-3-4 йиллик курсларга ёшларнинг бир йўналиш бўйича тайёрлаб бориши керак. Шунда ТАСИС дастури доирасидан самарали фойдаланишга имкон туғилади. ТАСИС дастури доирасида Фарбий Европададан кўплаб экспертлар келади. Агарда бизнинг марказимизда узоқ даврга мўлжалланган ўқув курслари очилса, келажакда бизнесни ривожлантирадиган менежментлар, маркетинглар, менежерларнинг етиштири кишичи учун ҳозирги ТТ-синфин битирган ёшларни кечки ёки кундузги бўлимда шу дастур асосида ўқитиб, Фарбий Европададан келётган экспертларни ҳам шу ишга жалб этиб, ёшларимизни жаҳон андозаларига тенглаштиришга имкониятлар туғилиши мумкин.

Очил ҲАЗРАТОВ
ёзиб олди.

Чилонзор туманидаги Мирзакалон Исмоилий номидаги 138-мактабда туман ҳокимлиги ташаббуси билан «Маҳалла болалари» кўригининг Катта Қозиробод маҳалласига бағишланган навбатдаги танлови бўлиб ўтди. «Маҳалла — Ватан рамзи» шiori остида ўтказилаётган ушбу тадбирда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тавсия этган «Маҳалла — оила — мактаб» концепциясининг муҳим қирралари очиб берилиши керак. Саҳнада намойиш этилган барча томошаларда ўқувчилар, муаллимлар, маҳалла фаоллари қатнашди. Ўқувчилар театрлаштирилган кўринишларда Катта Қозиробод маҳалласининг тарихи, миллий ўйинлардан намуналарни намойиш этдилар. Шу маҳалланинг энг намунали оилалари деб топилган Ойратов, Рискиевларнинг оиласи саҳнага чиққанда йиғилганларда ҳавас уйғотди. Бу оилаларнинг бошлиқлари ўзларининг

тарбиявий тажрибаларини ўртоқлашдилар. Мактаб муаллими Мамлакат Алимова эса мактаб ҳаётидаги оддий лавҳада ўқувчилар томонидан билиб-били қилинаётган ҳуқуқий бузилишларни кўрсатиб берди. Тадбирга ташриф

Танловлар

МАҲАЛЛА — ВАТАН РАМЗИ

буюрган кўшни Яққасарой маҳалласи оқсоқоли Орифхон Алимаҳсумов маҳаллаларга бағишланган бундай йиғинлар ниятда фойдали эканлиги, маҳалла Батандан бошланганлигини ва уни барча мактабларда ўқитиш кераклигини алоҳида таъкидлади. Айниқса, у кишининг Катта Қозиробод маҳалла тарихи

га оид фикрлари кўпчилик учун янгилик бўлди. Тарих фанлари номзоди Муборак Юнусхужаева, Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари Мунира Обидова, туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Каримова, таниқли журналист Холида Ахроровалар йиғилганларга маҳалланинг тарихи ва маҳаллаларни ривожлантиришга доир ҳуқуқатимиз қилаётган ишлар ҳақида сўзлаб бердилар. Тадбирда фаол ўқувчилар, муаллимлар, маҳалла фаолларига Чилонзор тумани ҳокимлиги, «Камолот» жамғармасининг эс-далик совғалари топширилди.

«Маҳалла болалари» кўригида туман прокуратураси, ички ишлар бўлими маъсул ходимлари, мактаб, маҳалла раҳбарлари ҳам иштирок этдилар. Тадбир сўнгида маҳаллада ташкил этилган ҳунармандчилик тўғрагининг махсуслотларининг намойиши бўлиб ўтди.

Бахтиёр КАРИМОВ.



Олий тоифали тил ва адабиёт ўқитувчиси Насриддин ака Бадриддинов 50 йилдан буюн шаҳримиздаги 59-ўрта мактабда ишлаб келмоқда. Ўтган ярим аср ичида устоз сабогини олган юзлаб совик ўқувчилар қалбига адабиёт ва наср сирларига ўзгача иштиёқ уйғонганлиги шубҳасиз. Насриддин ака ҳозирги табаррук ёшларига ҳам мактабдаги «Ёш адабиётчилар» тўғрагини бошқармоқда.

СУРАТДА: Насриддин Бадриддинов ўз шогирдлари билан навоийхонлик кечасига тайёрланмоқда.



Тўраҳон Ҳусайнов 1958 йили Тошкент давлат консерваториясини иктидорли мусиқачи сифатида аъло баҳолар билан тугатган эди. Уша вақтдан бошлаб Тўраҳон ака ёш авлодга мусиқа сирларини ўргатишга киришди. У республика педагогика фанлари институтига ишлаб, ўрта мактабларнинг 5-6 синфлари учун «Мусиқа дарслиги», «Мусиқа саводи», ўқитувчилар учун эса «Услубий қўлланмалар» китобларини муаллифидир. Тўраҳон ака 1986 йилдан бошлаб 59-ўрта мактабда болаларга мусиқа илимидан дарс бермоқда.

СУРАТДА: Тўраҳон ака Ҳусайнов навбатдаги машғулотда.

Равиль Альбеков олган суратлар.

Тошкент шаҳрида бир ой мобайнида ўтказилган кенг қамровли «Тоза ҳаво» тадбири ниятсизга етди. Бу ҳақда пойтахт милицияси Давлат автомобиль назорати бошқармаси техника назорати бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Комилжон Усмонов биз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— Атроф-муҳитни соғломлаштириш, ҳаёт манбаи бўлган ер, сув ва ҳавонинг тозаллигини, мусоффолигини таъминлаш, экология бузилишининг олдини олиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланмоқда. Бутун жаҳон миқёсида бундай масалалар билан шуғулланишга жиддий киришилган. Давлатимизда ҳам бу борада олиб борилаётган кенг қўламли ишлардан кўпчиликнинг хабари бор. Шулардан бири си-

Тадбирлар

«ТОЗА ҲАВО»

фатида ДАН тизимларида алоҳида экология бўлими ва вазодлари ташкил топганини айтиб ўтиш мумкин. Бунга ҳам 4 йилдан ошди. Эндиликда фақат шу бўлимга ёки вазода фаолият кўрсатаётганлар, балки барча ДАН ходимлари атроф-муҳитнинг зарарли газ ва тузлардан ифлосланишининг олдини олишга астойдил киришиб хизмат вазифаларини ўтамоқдалар. Бироқ эндиликда бу билан ҳам қифояланиб бўлмайди. Кейинги вақтларда транспорт воситаларининг тури ҳам, сони ҳам кескин ошиб бормоқда. Бу эса атроф-муҳитнинг янада кўпроқ ифлосланиши, зарарланишига таъсир этмай қолмайди. Шунини инобатга олиб ҳар йили бир неча босқичда «Тоза ҳаво» тадбирини ўтказиб келмоқдамиз. Унга кенг жамоатчилик, тегишли соҳа мутахассисларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мана ушбу тадбирнинг яна бир босқичи ниятсизга етди. Уни бошлашдан олдин Тошкент шаҳар Табиати мухорфаза қилиш қўмитаси, Нефт ва газ саноат миллий корпорацияси, «Ўзнефтьгазорат» ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда бир ой мобайнида амалга ошириладиган иш режасини туздик. Унга асосан заҳарли газ ва тузун микдорини текшириш учун 22 та махсус текширув ғуруҳи ташкил этилди. Шундан 5 таси кўча «Диагностик лаборатория» ва яна бештаси муҳим пост сифатида ташкил этилди. Шаҳар туманларида эса жами 11 та шунга ўхшаш ғуруҳ ва диагностика тармоғида алоҳида бир ғуруҳ тузилди, текширув ишларига киришилди.

Тадбир мобайнида бундай текширувлар асосан йўлларда ва автоҳўжаликларда олиб борилади. Йўлларда жами 12482 та транспорт воситаси текширувдан ўтказилди. Бундан 2457 таси давлат тасарруфидоги, қолган аксарият қисми эса шахсий транспорт воситаларига қиради. Ушбу текширилган автомобиллардан 3151 таси техник жиҳатдан носоз экани, 2120 тасининг экологик носозлиги аниқланди. Зарарли газ микдори кўп бўлган транспорт воситалари сони эса 1570 тани ташкил этди. Тўтун микдори юқори бўлган транспорт воситаларидан 550 таси аниқланди. Транспорт воситаларининг бундай ҳолатига бефарқ қараган 2038 та ҳайдовчиға текширув жойида жарима солинди. 82 тасига эса маъмурий баённома тузилди. Экологик жиҳатдан носоз бўлган транспорт воситаларидан 1322 таси текширилган жойда мутахассислар томонидан созланди. Бундай камчилик ва нуқсонлардан ҳоли деб топилган 2422 автомашина эгасига экологик талонлар тарқатилди.

Тошкент шаҳридаги 85 та автоҳўжаликда ҳам тадбир мобайнида ҳудди шундай текширув ишлари олиб борилади.

Фан

ХИЗМАТДА... ҚУЁШ

Ҳозирги кунда бутун дунёда энергия муаммоси энг долзарб бўлиб қолмоқда. Кейинги пайтларда кўмир, нефт ва атом энергияларининг ниятсизга етди. Бу ҳақда кичик қириқчилик натижасида экологик танглик вужудга келди.

— Агарда экологик танглик янада кучайверса, XXI аср экология асри бўлиб қолиши ҳеч қанча эмас, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги «Физика-қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг физика-техника институти фото энергетика бўлимининг бошлиғи Мухаммад Турсунов. — Унинг олдини олиш мақсадида бўлимда қуёш батареякалар яратиш устида иш олиб бориляпти.

Аҳолиси кам бўлган жойлардаги бензин ва дизель агрегатлари билан қуёш батареякалари 80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг бошидан буюн рақобатлашиб келмоқда. Табиий манба қўлланилганда транспорт ва капитал қурилиш сарф-харажатларига ҳожа қолмайди. Одамнинг асабига тегувчи шовқин-сурон, салбий экологик таъсир бўлмайди. Япония, АҚШ, Германия, Франция, Австралия каби давлатларда қуёш энергияси яхши ривожланган бўлиб, улардан ишлаб чиқаришда ҳам кенг қўлланилади. Осиё давлатларида эса ҳаттоки поликлиникада ҳам қуёш батареякаларидан фойдаланиляпти. Фарбий

Европа давлатларида аҳоли автомобилга қўшиб тиркамали қуёш батареякаларини сотиб олишди. Улар дала ховлиларда, чодирларда қўл келди.

Металл нефть ва газ қурувларининг занглашининг олдини олишда айна кўнларда асосан кремнийдан тайёрланадиган қуёш энергиясидан фойдаланиш йўлга қўйилляпти. Бундан ташқари Ўзбекистон ўта кучли ирригация тизимиға эга. Агарда сув тақсимлашда тўғонларга қуёш батареякасида ўрнатилса ҳам иш унумдорлигига, ҳам иқтисодий самардорликка эришилшини Ўзбекистонлик олимлар қирғизистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда иш олиб боришлари натижасида аниқладилар.

Институтнинг фото энергетика бўлимида ўн йил ичида юз мингдан ортиқ қуёш элементлари яратилди. Айна кўнларда бу ерда тайёрланаётган қуёш батареякаларидан 30-40 йил давомида узлуксиз фойдаланиш мумкин. Шу сабабидан Покистон, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларнинг ҳам қизиқиши ортиб, қўшма корхоналар ташкил этиш истагини билдирмоқдалар.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

Бизнесм?

КИТОБ ЖАВОНИГА ҚАДАР

Месопотамияда (Олд Осиёдаги Дажла ва Фурат дарёлари оралиғидаги жой) кесак жадваллардан оғирдан-оғир ва бесўнақай сопол «китоб»лар тузилган. Бундай китоблар наваллардан тўқилган саватларда ва сопол қутиларда ташилган. тоқдадаги сопол жавонларда сақланган. Баъзан тушиб-чиқиб учун тепасидан битта зинапола қурилган тор хоналарда сақланган. Сават ва сопол қутилар бора-бора сандиқларга, тоқчалар эса тахта жавон ва шкафларга айланган.

КУЗУГА ҚАДАР

Одам ўзини дастлаб тиниқ сув сатҳида қўрган. Бироқ тиниқ сувни ҳозирги қўзғу сингари қўтариб юриб бўлмайди-ку. Шу боис бронза ва қумш қўзғулар яратишга уринишган. Қадимий Русияда асл пўлаш ҳам қўзғу вазирасини ўтаган. Металл қорайиб қолмаслиги учун уни ойна билан пана қилинган. Секкин-аста ойнага символли қалайи, алюмин ва бошқа металлар аралашмасидан тайёрланган юпка парда қоплаш мумкинлигини билиб олишган. Шиша қўзғу ишлаб чиқариш анча пайтгача сир сақланган. Венеция (Италия)лик бир неча уста ишчилар қўзғу тайёрлаш сирини французларга айтиб қўйган ва бу «оғиз бўшлик» туфайли улар қатл этилган.

МЕТР ВА КИЛОМЕТРГА ҚАДАР

Ҳозирги узунлик ўлчовлари ҳам бир вақтлар ихтиро қилинган. Аллэзамонларда Японияда тақа ўрнига похол тақа қўйилган. Тақа адо бўлганда, сувори манзилига «бир от тақасинча» йўл босди деб юритилган. Инглиз узунлик ўлчови ярд қирол Генрих I нинг буруни билан у қўлини чўзганда ўрта бармоғи учигача бўлган масофа тушунилган. Рус деҳқони қўларини икки ёнига «Ана, холос» деб ейганда «Маховая сажень», яъни «айлана саржин» ўлчами келиб чиққан.

НОНГА ҚАДАР

Илгари бўтқа нон ўрнини босган. Пиширилётган бўтқа вақтида ўтдан олинмаганда у нонга айланган. Фавқулодда пишиб қолган бу таом одамларга жуда ёқиб тушган. Нон ёпиш учун чўчкаёғок ва ёғоқ мағзини янганлар. Бу бошоқли ўтлар донидан тайёрланган уни тотиб қўрилганга қадар давом этган. Шунга қарамай таниқли олим Иван Мичурин келгусида нон уни яна ёғоқдан олинишини башорат қилган. Табиий, у ёғоқ мағзини жавдар ва бугдойдан қўра тўйимлироқ эканини назарда тутган эди.

Нигора НАЗАРОВА тайёрлади.

Бахтиёр институтни битириб, уч йилдан бери ишлар эди. Мақсади бироз пул тўплаб, кейин уйланиш, бахтли оила қуриш, бола-чақали, жуфти ҳурлига меҳрибон, содиқ бўлиш эди. У одобли, меҳрибон йигит эди. Емон йўлга қирмади, папирос чекмайдиган, ичкилик ичмайдиган, уйим-жойим дейдиганлардан эди.

Фарзанд балогатга етганидан кейин онаизор ўғлининг туйини кўрсам, тўйга ўзим бош-қош бўлсам, орзу-ҳавас билан дер экан. Шунинг учун Бахтиёр ишдан қайтган, кечки овқат устида онаси тез-тез: «Болам мана 25 ёшга кириб қолдинг, энди уйланмасанг бўлмайди. Бизлар ҳам қариб қолганмиз. Сенинг туйингни кўрсак, деган умиддамиз. Ҳамма тайёргарликни қуриб қўйганмиз. Сен бугейдан хавотир олма» дер, ўғлининг қўзига термулиб қараб турар эди. Ўғил: «Онажон бироз ишлаб, пул топай, сизларга ҳам жабр бўлмасин», дерди. Бир кун онасининг қистови қаттиқроқ бўлди. Она: «Ўзингнинг бирор кўнлигига хуш ёқадиган қизинг бўлса айт, совчиликка борайлик», деб қолди.

Бахтиёр ҳеч ким билан учрашмаслиги, қўнлигига хуш ёқадиган бирор қиз йўқлигини айтди. Уйланишга рози бўлиб онасига ниятини изхор этди.

Бўлажак рафиқаси уйда ўтирган, тақводор қиз бўлса. Унинг фикрича, кўча қўрмаган тақводор қизлар ҳалоол, пок, оиласига содиқ бўлишди.

Аёллар хабарлашиб, тақводор қиз ҳам топишди. Биринчи учрашув ҳам бўлиб ўтди. Қиз учрашувга қора қўйлак, бошида узун қора рўмол ташлаб, юзи, танасини беркитиб чиқди. Фақатгина рўмолнинг қўзларга мўлжалланган иккита кички-

на тешикчаси бор эди. Қиз йиғини айна шу тешикчалардан бемалол кўрар, лекин йигит қизни кўра олмас эди. Йигит қизнинг фақат бўйини қуриб, устидан тақводорларга мансуб қийимидан юраги «жиэ» этди-ю уйига келиб шу қизга уйланишга розилик берди.

Турмуш
чорраҳаларда

КҮЧА КҮРМАГАН...

Тез кунда фотиҳа ҳам бўлиб ўтди, тўй куну белгиланди. Орзқиб қутилган тўй ҳам бўлиб ўтди. Тўйнинг эртасига келин-куёв орзу-ҳавас билан бир ёстиққа бош қўйдилар. Шу куну келин чарчаганлигини ва уялётганини баҳона қилиб, бир-икки кун сабр қилишини кўведан сўради. Йигит келин роса уятчан экан деб, бир томондан яна хурсанд бўлиб қўйди. Келин кейинги кўнларда ҳам у ерим оғрияпти, бу ерим оғрияпти деган баҳоналар билан икки ой йигитни яқинлаштирмади.

Бахтиёр бир куну не кўз билан кўрсинки, келиннинг қорни иккиқат аёлининг қорнига ўхшаб қаттайиб кетганини пайқаб қолди. Келин ҳақиқатан ҳам иккиқат, қорнида етти ойлик бола-си бор экан.

Бахт излаган Бахтиёр ўзини бахтсизликка учрагани, шафқатсизларча алданганини пайқайди. У кечаси-ю кундузи хаёлга чўмган, ўзига-ўзи: «Наҳотки одам-

лар шунчалар худодан кўрқмайдиган, инсофсиз бўлиб кетганлар. Ахир менга руҳий аълоз бериб, шаънимни бир пул қилиб, қанчадан-қанча сарф-харажатлар қилиб ўтказган тўйини ҳам бир тўйин қилдилар», деб қуйиқарди. Қандай қилиб шунчалик ёлғон-яшиққа бориш мумкин, деган саволларни хаёлидан ўтказар ва уларга жавоб топа олмай қўйналар эди.

Азоб гирдобига Бахтиёрнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари ҳам тортилган эдилар. Улар унга ачинар, келиндан эса нафратланардилар. Келин эса пинагини бузмас, қайғурмас эди. У ўз ниятига етган. Унга эрли бўлди номини олса бўлди эди.

Бахтиёр ноилоҳ ажралди тўрисида судга ариза берди. Суд уларни кўп овора қилмай ажратиб қўйди.

Келиннинг ойиси эса ётиб қолгандан кўра, отиб қолган қабилда иш қуриб, яна кўёвнинг уйига келиб: «Энди ёш-қиз, озгина куча ўтибди, ёпиқ қозон ёпиқ қолсин, бола биз билан қолади бирга яшайверинлар», — деб ялиниб ёлворди.

Кўёвнинг бита бошлаган яраси яна газак отди: «Булар ўзи қандай одамлар? Мени шунча маломатларга қолдириб яна уялмай бирга яшай қолинглар дейди-» деб, қийналар эди. Кўёв ҳеч қачон у қиз билан бирга яшай олмаслигини қатъий билдирди.

Бир оила оламга келдию, тез кунда барбод бўлди. Келин Бахтиёрни, ўзини ва фарзандини бахтсизликка маҳкум айлаганини тасаввур этмас эди.

Садир САЛИМОВ,
профессор.

